БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 253 (17.833). • 2 ноябрь 1980 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

ЗАФАРЛАРИМИЗ—ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА!

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

«ОҚ ОЛТИН»ИМИЗНИНГ БИР МИСҚОЛИ ҲАМ ЕРДА ҚОЛМАСИН

1 ноябргача республика бўйича 6.010.387 тонна, шу жумладан ўтган куни 36,214 тонна пахта тайёрланди. Машиналар билан мавсум бошидан буён ҳаммаси бўлиб 3.763.533 тонна, бир кунда эса 26.379 тонна пахта терилди. Тайёрланган ингичка толали пахтанинг миқдори 335.003 тоннага етди. Бир кунда 2.458 тонна ингичка толали пахта топширилди.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРГАНЛАР

✦ **Тошкент областидаги Чиноз райони.** Район пахтакорлари давлатга 35 минг тоннадан зиёд пахта топширдилар.

Ҳар гектар ердан олинган ҳосилнинг миқдори 38,9 центнерга етди. Машина терими плани 116 процент бажарилди.

✦ **Сирдарё областидаги Гулистон райони.** Район хўжаликлари Ватан омборига 41 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб бердилар.

Бу пахтанинг фақат 10 минг тоннаси қўлда терилди, «Октябрь», Крупская номли ва Карл Маркс номли колхозларнинг пахтакорлари районда эришилган ғалабага энг кўп ҳисса қўшдилар.

✦ **Наманган областидаги Косонсой райони.** Бу ерда давлатга 36 минг тонна пахта сотилди.

Топширилган маҳсулотнинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди. Район пахтакорлари яна камида 4 минг тонна пахта тайёрлаш юзасидан янги оширилган мажбурият қабул қилдилар.

✦ **Фарғона областидаги Бағдод райони.** Район механизаторлари 38,6 минг тоннадан зиёд пахта териб олдилар.

Ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги 32,5 центнерни ташкил этди. Район деҳқонлари ялпи ҳосилни 40 минг тоннага етказиш юзасидан янги оширилган мажбурият олдилар.

✦ **Сурхондарё область Ангор районидаги Калинин номли колхоз.** Хўжалик меҳнаткашлари тайёрлов пунктларига 4 минг тонна ингичка толали, шу жумладан 1500 тонна уруғлик пахта топшириб, ўз зиммаларига қабул қилган оширилган социалистик мажбуриятларини ҳам бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти беришди.

Ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги 41 центнерни ташкил этди. Пахта йиғим-терими давом этмоқда. Давлатга яна 500 тонна кимматбаҳо хом ашё топшириш мўлжалланяпти.

✦ **Жиззах область Арнасой районидаги Рокоссовский номли совхоз.** Чўқуварлар далаларидан 6800 тоннадан зиёд пахта териб олиб ва давлатга топшириб, ўз зиммаларига қабул қилган мажбуриятларини бажардилар.

Тайёрланган пахтанинг 92 процентдан кўпроғи машиналар бункеридан тўкилди.

ИЙЛЛИК ПЛАН АДО ЭТИЛДИ

✦ **Фарғона областидаги Олтиариқ райони.** Район хўжаликлари Ватанга 44 минг тонна пахта етказиб бердилар. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 28,5 центнердан ҳосил олинди. Пахтакорлар ялпи ҳосилни 46 минг тоннага етказиш учун курашни давом эттирмоқдалар.

✦ **Сирдарё областидаги Сирдарё райони.** Район пахтакорлари юксак мажбуриятларни ҳисобига тайёрлов пунктларига дастлабки минг тонна пахтани жўнатдилар. Улар мавсум бошидан буён давлатга топширган пахтанинг миқдори 53 минг тоннадан ошиб кетди. «Ленинград», «Коммунизм», Ленин номли, «Ўзбекистон» колхозлари ва «Сирдарё» совхозининг пахтакорлари район меҳнаткашларининг мусобақасида пешқадамлик қилмоқдалар.

✦ **Наманган областидаги Тўрақўрғон райони.** Район хўжаликларининг меҳнаткашлари 37,5 минг тоннадан зиёд пахта териб олдилар. Машина терими плани анча ошириб бажарилди. «Ўзбекистон», «Шарқ юлдузи», Киров номли колхозларнинг деҳқонлари эришилган муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшдилар.

✦ **Сурхондарё областидаги Сариосиё районининг механизаторлари.** Районнинг дала гвардиячилари машина терими планини бажардилар. Улар мавсум бошидан буён «зангора кема»лар бункеридан 37300 тонна пахта тўкдилар. Бу барча ҳосилнинг 65 процентини ташкил этади. Ҳар бир агрегат билан ўрта ҳисобда 150 тоннадан пахта терилди.

✦ **Қорақалпоғистон АССР Амударё районидаги Ленин ордени Максим Горький номли совхоз.** Бу ерда давлатга 15 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Хўжалик пахтакорлари ҳар гектаридан ҳосил териб олдилар. Машина терими давом этмоқда. Давлатга яна 500 тонна кимматбаҳо хом ашё топшириш мўлжалланяпти.

✦ **Жиззах область Арнасой районидаги Рокоссовский номли совхоз.** Чўқуварлар далаларидан 6800 тоннадан зиёд пахта териб олиб ва давлатга топшириб, ўз зиммаларига қабул қилган мажбуриятларини бажардилар.

Тайёрланган пахтанинг 92 процентдан кўпроғи машиналар бункеридан тўкилди.

ХАЛҚ ЖАСОРАТИ СТАТИСТИКАСИ

Андижон областида йиллик топшириқни муваффақиятли бажарган илғор коллективлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Ўтган куни яна 6 хўжалик ва 68 бригада халқ хўжалик планн бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Шундай қилиб, эндиликда 45 хўжалик ва тўрт районда юксак социалистик мажбурият ҳисобига пахта териляпти.

Бу йилги мавсумда область далаларида механизаторларнинг 20 та оилавий экипажи меҳнат қилишяпти. Ўтган куни ана шу экипажлардан яна биттаси — эр-хотин Лолахон ва Тошпўлат Ҳакимовлар 350-тонна пахтани ўз агрегатлари бункеридан ағдариб, зиммаларига қабул қилган мажбуриятларини адо этишди.

Марҳамат районидаги Свердлов номли колхознинг ветеранларидан биоя Олтибой Тўлабоевнинг ҳаётида бу йилги пахта йиғим-терими мавсуми 50-мавсум ҳисобланади. Ленин ордени кавалери ана шу йиллар давомида доим хўжалик теримчиларининг мусобақасида байроқдорлик қилиб келди. 70 ёшли ветеран бу йил ҳам ўз аньанасига содиқ қолиб, беғоан ваъдасини шараф билан бажарди — 16 минг килограммдан ортиқ пахта терди.

ШОЛИ — ДАВЛАТГА

Қорақалпоғистон АССР Нукус районидаги «Россия» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Алексей Кан бошлиқ бригадаси шоликорлари ҳосил ўрим-йиғими бошлангандан буён 1700 тоннадан зиёд шоли янчишди. Ҳар гектар ердан 60 центнердан «қирмизи дон» олинди. «Ҳосилдорликни гектар бошига 70 центнерга етказамиз», демоқда бригадир.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 1 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (тайёрлашнинг умумий ҳажмига нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун— бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

БУХОРО	0,33	112,75	0,43	86,96
ТОШКЕНТ	0,15	112,63	0,17	111,57
САМАРҚАНД	0,96	112,12	1,33	97,59
ҚАШКАДАРЁ	0,11	108,79	0,12	99,44
СУРХОНДАРЁ	0,37	107,33	0,36	98,34
ЖИЗЗАХ	0,39	106,05	0,17	109,75
СИРДАРЁ	0,54	105,69	0,32	105,47
ХОРАЗМ	0,63	104,12	0,85	101,25
ҚҚАССР	0,69	102,28	0,73	97,13
Фарғона	0,96	98,90	1,16	83,00
Андижон	1,20	97,62	1,18	78,29
Наманган	1,00	94,52	1,16	80,61
Республика бўйича:	0,62	103,63	0,69	97,75
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	0,80	99,06	0,80	95,35
Бухоро	1,73	97,28	2,70	71,41
Қашқадарё	0,15	90,66	0,18	69,48
Наманган	1,04	71,28	—	15,34
Республика бўйича:	0,70	95,72	0,74	83,08

ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

Нарпай районининг пахтакорлари йиллик халқ хўжалик плани ва ўз зиммаларига қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларини барвақт адо этиб, ялпи ҳосилнинг миқдорини 56 минг тоннага етказиш юзасидан қўшимча оширилган мажбурият қабул қилган эдилар. Янги оширилган мажбурият ҳам муваффақиятли адо этилди. Ватан омборига 56 минг тоннадан зиёд Нарпай «оқ олтини» етказиб берилди. Тайёрланган барча пахтанинг 70 проценти машиналар билан терилди. Район бўйича ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 38 центнердан ҳосил олинди.

Район хўжаликларида ҳосил йиғим-терими давом эттирилмоқда. Давлатга яна 4 минг тонна пахта топшириш ва ялпи ҳосилни 60 минг тоннага етказиш мўлжалланяпти.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг маслаҳатлари ва кўрсатмаларини амалга ошира бориб, социалистик мусобақани кенг авж олдириб, бу йил мўл пахта ҳосили етиштирдилар ва уни йиғиб-териб олишни уюшқоқлик билан ўтказдилар. Натижада 15 октябрь куни беш йиллик план бажарилди, 28 октябрь куни бу йилги пахта тайёрлаш йиллик ҳажми адо этилди, 1 ноябрь куни эса автоном республика меҳнаткашлари янги меҳнат ғалабасига эришдилар — давлатга пахта сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Колхоз ва совхозлар тайёрлов пунктларига 405 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб бердилар, бу пахтанинг 67 проценти машиналар билан терилди. Ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта йиғиштириб олинди. 80 минг тоннадан зиёд юқори сифатли пахта ўн биринчи беш йиллик ҳисобига топширилди.

Автоном республиканинг ҳамма районлари, совхоз ва колхозлари мажбуриятларни бажаришга муносиб ҳисса қўшдилар. Амударё районининг пахтакорлари 58 минг тонна, Элликқалъа райони 52 минг тонна, Тўрткўл ва Беруний районлари 50 минг тоннадан, Хўжайли райони 42 минг тонна, Шуманай ва Кегайли районлари 34,5 минг тоннадан, Чимбой райони 27 минг, Қўнғирот райони 16 минг, Ленинобод ва Қораўзак районлари 15,5 минг тоннадан, Нукус райони 9,5 минг ва Тахтакўпир райони 2 минг тонна пахта тайёрладилар.

Тўрткўл районидаги «Ленинизм», М. Горький номли совхозлар, «Намуна» колхози; Беруний районидаги Охунбобоев номли, Беруний номли совхозлар, Навоий номли колхоз; Элликқалъа районидаги «Москва», «Октябрь 60 йиллиги», «Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» совхозлари, «Қирққизобод» колхози; Амударё районидаги Тельман номли колхоз, Хўжайли районидаги Ленин номли, Энгельс номли колхозлар; Шуманай районидаги Гагарин номли, «Правда», Киров номли совхозлар; Ленинобод районидаги Свердлов номли совхоз; Қўнғирот районидаги «Партия XXIV съезди» совхози, Нукус районидаги Жданов номли совхоз, Чимбой районидаги «Бўзатов» совхозининг коллективлари давлатга пахта сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини биринчилар қаторида бажардилар. Бу хўжаликларнинг кўплари беш йиллик мобайнида 6—7 йиллик планларни адо этдилар. 15 колхоз пахтакорлари 60 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Беруний районидаги Будённий номли совхоздан П. Рўзимова, Шуманай районидаги «Шуманай» совхозидан Т. Сариев, Тўрткўл районидаги «Коммунизм» колхозидан Н. Рўзимбетов бошлиқ бригадалар, шунингдек Тўрткўл районидаги «Ленинизм» совхозидан Н. Оллашев, Элликқалъа районидаги «Ленинград» колхозидан Қ. Бобожонов, «Қирққизобод» колхозидан С. Қурбонов, Амударё районидаги Крупская номли колхоздан Қ. Камолов, Хўжайли районидаги Ленин номли колхоздан Ҳ. Жуманов, «Коммунизм» колхозидан С. Дербисолиев бошлиқ бригадалар ва кўпгина бошқа бригадалар ҳар гектар ердан 50—60 центнердан хирмон кўтариб, шу кунларда ҳосил йиғим-терими тугалламоқдалар.

Элликқалъа районидаги «Москва» совхозидан Ж. Бекчонова, Кегайли районидаги М. Жуманазаров номли совхоздан Х. Бекназаров, Тўрткўл районидаги «Намуна» колхозидан Х. Йўлдошев, «Ленинизм» совхозидан А. Кораева, Амударё районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Ф. Тилавов, Шуманай районидаги Гагарин номли совхоздан Г. Сарсенбоева, Киров номли совхоздан А. Қиёзбоев, Қораўзак районидаги Калинин номли совхоздан Ғ. Ғаниев, Ленинобод районидаги Свердлов номли совхоздан Ж. Бекжонов ва машиналар билан 300—400 тоннадан пахта терган кўпгина бошқа пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари машина-механизмлардан самарали фойдаланиш учун ўтказилган социалистик мусобақада айниқса ибрат кўрсатдилар.

Автоном республиканинг барча шаҳарлари ва районларидаги корхоналар, муассасаларнинг коллективлари, ўқувчи ёшлар ҳосилни йиғиб-териб олишда пахтакорларга катта ёрдам бердилар.

Шоликорлар ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Шу йил ва умуман беш йилликда шоли сотиш плани анча ошириб адо этилди. Шоли етиштириш тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан икки баравар кўпайтирилиб, 1100 минг тоннани ташкил этди, давлатга 930 минг тонна шоли сотилди.

Давлатга мева ва сабзавот маҳсулоти, картошка, пилла, гўшт, тухум, жун, қоракўл тери сотиш беш йиллик планлари муддатидан илгари бажарилди.

Ҳозир ҳамма жойда КПСС XXVI съезди шарафига рекорд ҳосил олиш учун қизғин кураш давом этмоқда. КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларидан, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқидан илҳомланган автоном республика пахтакорлари давлатга социалистик мажбуриятларидан ташқари яна 45 минг тонна пахта сотишга ва ялпи пахта ҳосилини 450 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

Қорақалпоғистон меҳнаткашлари етиштирилган бутун ҳосилни йиғиб-териб олишни қисқа муддатларда тугаллашга, барча кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга, чорва қишловининг яхши ўтказилишини таъминлашга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришда ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида янгидан-янги ютуқларга эришмоқ учун ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлашга ахду паймон қилганлар.

ИЛҲОМ ВА ИСТЕЪДОДИМИЗНИ КОММУНИЗМ ИШИГА САРФЛАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VIII СЪЕЗДИ

Қилаётган меҳнатинг шоир сўзи билан айтганда, ўз республиканг меҳнатига пайваста бўлиб кетаётганлигидан бағоят хушнуд бўласан киши. Лекин бунинг катта масъулияти ҳам бор. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ёзувчилари ўзларининг VIII съездида ўтган беш йилликдаги ижодий фаолият якунларини талабчанлик билан чуқур таҳлил қилмоқдалар. Адибларнинг бу анжумани —КПССнинг бўлажак XXVI съездига берилаётган ҳисоботдир.

Ўзбекистон ёзувчилари учун, деб таъкидланди съездда, Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари мазмунининг теранлиги ва услубининг равшанлиги, инсонийликни тараннум этиши жиҳатидан жозибали асарлар халқ тўғрисида ва халқ учун қандай ёзилиши кераклигига намунадир. Бу китобларни буюк воқеаларни ўз кўзи билан кўрган ва унда қатнашган инсон ёзган. Бу китоблар коммунист қалби билан ёзилган. Шунинг учун ҳам улар ишонтирарли, илҳомбахш ва ҳаққоний китоблардир.

Ўзбек халқида: шеърият осмонининг гумбази ерга таяниб туради деган нақл бор. Ҳа, адиблар ўз илҳомини айни ердаги ишлардан, совет кишиларининг меҳнатидан олмоқдалар. Совет кишиси ижодий парвозимизнинг манбаи, таянч нуқтасидир,—деди шоира Зулфия съезд минбаридан туриб. — Ёзувчи асарининг шу кунларимизга муносиб келиш-келмаслиги унинг нечоғлиқ катта кўламда фикр юрита билиши, воқеаларга баҳо бера билиши, фикрини бадиий шаклга сола билишига боғлиқ. Ўзбекистон халқ шоираси асарларда акс эттирилиши лозим бўлган бир қатор ёрқин мавзуларни санаб ўтди. Булар орасида Қарши ва Жиззах чўқуварларининг ҳаёти ва меҳнати, Ноқоратупроқ зонани ўзлаштиришда Ўзбекистон вакилларининг қатнашуви мавзулари бор. Мана шу жиҳатдан ёш авторларнинг ижоди учун чексиз уфқлар очилади.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Абдулла Орипов бошловчи ёзувчиларнинг иши тўғрисида, уларни ҳаяжонга солаётган муаммолар ҳақида гапирди. Ёш шоир Владимир Ильич Ленин тўғрисидаги шеърини съездда ўқиб берди. Революция доҳийси тўғрисида, совет халқларининг дўстлиги ҳақида минбардан янграган назмий сатрлар қардош республикалар ёзувчилар ташкилотлари вакилларининг сўзлари учун ўзига хос муқаддима бўлди.

Украина ССР Фанлар академияси адабиёт институтининг директори И. А. Даеверен юртдошлари номидан съезд қатнашчиларига қизғин салом айтиб таъкидладики, ҳар бир совет адиби қайси тилда ёзмасин, ўз ижодини Советлар мамлакатининг буюк, яхлит, юз миллатли адабиётининг бир қисми эканлигини ҳис этади. Менинг диёримда, деди белорус шоири Анатолий Гречаников, Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом ижодини билишади ва қадрлашади. Зулфия ва Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон ва Шукрулло китобларини ўқишади. Белоруслар Улуғ Ватан уруши йилларида бизнинг еримизда жанг қилган ўзбек аскарларини қардошлари деб ҳисоблайдилар. Халқнинг жанговар жасоратлари йилномасига Ўзбекистон фарзандларининг номлари ҳам абадий ёзиб қўйилган. Бу йилномани шу кунларда ҳам бутун мамлакат санъаткорлари яратмоқдалар.

Халқлар қардошлиги — адабиётлар қардошлигидир. Туркман шоири Ота Танязов шу ҳақда гапириб, Ўзбекистон сўз усталарининг ижодлари Туркманистонда ҳам мазмун бўлганлигини айтди.

Литвалик прозаик ва драматург Витаутас Римкявичус съездда гапириб, Ўзбекистонлик адибларнинг китоблари Болтик бўйида нашр этилганлигини айтди.

Съездда гапирган кўпгина нотиқлар ўз асарларининг қаҳрамонларини қандай изланганликлари ҳақида сўзлаб бердилар. Ўзбек халқининг шонли фарзанди Ҳамза таниқли совет адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Комил Яшин ёзган ажойиб романнинг қаҳрамони бўлди. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов оиласи Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи қаҳрамони бўлган. Вали Ғафуров асарларининг персонажлари ҳам ҳаётдан олинган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳақиқий қаҳрамонларни кўра билиш керак, чунки улар ҳаётда камсукум бўладилар, деди «Шарқ юлдузи» журналининг бош редактори Миркарим Осий. У ўз нутқида фольклорга, бахшиларнинг қўшиқларига ва достонларга янада кўпроқ эътибор бериш зарурлиги тўғрисида тўхталди.

Бу сафарги адабий хирмон республиканинг катта пахта хирмони кўтарилган пайтга тўғри келди. Халқнинг буюк меҳнат ғалабасига шундай мос келиш бизнинг ёзувчиларни ўз-ўзимизга республиканинг меҳнаткашлари тўғрисида ёрқин, қизиқарли асарларни етарлича яратаяпмизми, деган айниқса қаттиқ талаб қўйишга мажбур қилади, — деб таъкидлади ўз нутқида ёзувчи Одил Ёқубов. Биздан кар-най-сурнай олқишлар эмас, балки меҳнат, ҳаёт, ҳозирги дунёнинг чигал масалалари, яхшилик билан ёмонликнинг ураши тўғрисида ёзувчининг жозибали ва виждонли сўзларини кутишаётганлигини, давримизга ҳамоҳанг асарлар кутишаётганини биламиз.

Биз ҳали заводлар, далалар, фермалар, қурилишлар меҳнаткашлари олдида қарздормиз, деди шоир Тошпўлат Ҳамид. У республиканинг ҳатто каттадан-катта қурилишлари ҳам ёзувчининг назаридан четда қолганлигини кўрсатувчи бир неча мисоллар келтирди.

Раҳмат Файзий, Туроб Тўла, Ҳалима Ҳудойбердиева, Пирмат Шермуҳамедов, «Йилдиз» журналининг бош редактори Шомил Алядинов, Рўзи Қодирий ягона меҳнат сафида ёзувчининг тутган ўрни тўғрисида гапирдилар.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ёзувчиларининг тобора кўпроқ асарлари мамлакатимиздан ташқарига чиқмоқда. Бу асарларнинг ажойиб сатрлари чет эллик китобхонларни тўлқинлантирмаслиги мумкин эмас, улар коммунизм барпо этаётган одамлар тўғрисида ҳикоя қиладилар. Ш. Рашидовнинг асарлари жаҳондаги халқларнинг ўндан кўпроқ тилида нашр этилди. Раҳмат Файзий, Асқад Мухтор, Қуддус Муҳаммадий, Худойберди Тўхтабоев, Темир Пўлат ва бошқа муаллифларнинг романлари, повестлари, шеърлари кўпгина чет мамлакатларда шу халқларнинг она тилида ўқилмоқда.

Ёзувчи Асқад Мухтор ўз нутқида рус тилига ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг тилларига таржима проблемасини кўтариб чиқди. Қорақалпоқ ёзувчиси Тулепберген Қаипбергенов рус тилига таржиманинг аҳамиятини адабиёт космик дунёсига старт майдони билан қиёслаш мумкин деди.

Совет Ўзбекистонининг адабиёти кўп миллатли совет маданиятининг ажралмас қисми бўлгани ҳолда унга муносиб ҳисса қўшмоқда, мисли кўрилмаган даражада равнақ топмоқда. Съездда Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси З. И. Есенбоев, «Звезда Востока» журналининг бош редактори, таниқли ҳаф Г. П. Владимиров шу ҳақда гапирдилар.

Съезд мехмони, таниқли араб ёзувчиси «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти лауреати Абдураҳмон ал-Ҳамисий минбарга чиқиб, Садатнинг реакцион режимидан мамлакатни озод этиш учун империализм ва сионизмга қарши мисрлик курашчилар номидан съезд қатнашчиларини табриклади. Биз араб мамлакатларида араблар билан совет халқини бир-бири билан боғловчи самимий дўстликнинг нақадар қалинлигини, барча кишиларингиз, шу жумладан ёзувчиларингиз ер юзида адолат, тинчлик ва тенгликка интилаётганликларини ҳис қиламиз, деб таъкидлади у.

Руҳан ва мазмунан интернационал совет адабиёти, шу жумладан Ўзбекистон адабиёти чет мамлакатлар ёзувчиларининг фаолиятига ҳамиша диққат-эътибор билан қараб келди, — деди ўз нутқида ёзувчи Пиримқул Қодиров. — Ривожланаётган мамлакатларнинг миллий адабиётларига шу яхши муносабат ва қардошларча ёрдам Советлар ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ вужудга келган бўлиб, яхши анъанага айланиб қолди.

Афғонистонлик меҳмон — Афғонистон Демократик Республикаси Ёзувчилар союзининг раиси, Қобул университетининг профессори Асадулла Ҳабиб янги порлоқ ва тенг ҳуқуқли жамият қуриш йўлидан бораётган халқларнинг қардошларча ўзаро ёрдамлари тўғрисидаги фикрларини баҳам кўрди. У ўз мамлакати адибларининг Афғонистон революциясида қатнашуви тўғрисида, революцияни мустаҳкамлаш ва янада ривож топтириш учун, халқаро реакциянинг кирдикорларига қарши курашда қатнашаётганликлари тўғрисида съезд қатнашчиларига гапириб берди.

Съездда СССР Ёзувчилари союзи правлениесининг секретари В. М. Озеров нутқ сўзлади. Ўзбекистон адабиёти, деди у, беш йил ичида қардош совет халқлари адабиёти ягона оиласида олға катта қадам ташлади. Республиканинг шоирлари ва прозаиклари шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг бунёдкорлик ишларидан илҳом олиб ўз асарларида каттакатта ижтимоий сиёсий ва маънавий проблемаларни кўтариб чиқмоқдалар, янги мавзуларда дадил ишламоқдалар. Кейинги йилларда ишлаб чиқариш тематикасига, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини янада ошириш масалаларига, ишчилар ва колхозчиларнинг шонли ишларига муроҳаат этувчи бир қанча романлар, қиссалар пайдо бўлганлиги кишини қувонтиради. Шу мавзулар бундан буён ҳам ривожлантирилиб, бойитилиб бормоғи керак. Адабиёт социалистик экономика, маданиятнинг ўсиш қўламларига мувофиқ келмоғи лозим. Интернационал дўстлик мавзуи ҳам ривожлана бормоғи муҳим, деб таъкидлади нотиқ. Ўзбекистоннинг кўпгина адиблари ана шу мавзуда самарали меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг овози бундан буён ҳам халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликка даъват этмоғи лозим.

Совет Ўзбекистонининг адиблари ёрқин, юксак бадиий асарлар яратаётган, мамлакатдаги барча ёзувчилар билан биргаликда социалистик жамият тўғрисидаги, бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлган халқимизнинг тинчликсевар муддаолари ҳақидаги ҳақиқатни бутун дунёга етказмоқдалар. Империалистик давлатларнинг муайян доиралари халқаро вазиятни кескинлаштиришга интилаётган ҳозирги пайтда бу эса айниқса муҳимдир.

Ўзбекистон ёзувчилари VIII съездида. (ЎзТАГ фотоси).

Совет адиблари партия ўз зиммаларига юклаган бутун масъулиятни чуқур тушунишлари, ўз маҳораталарини тинимсиз такомиллаштириб боришлари лозим. Республика ёзувчилари бу соҳада катта муваффақиятларга эришдилар, лекин улар ҳали кўп иш қилишлари керак. Ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор бериш, ёш авторларнинг ижодий изланишларида уларга кўмаклашиш зарур.

Таниқли совет шоири Анатолий Софронов Осиё ва Африка мамлакатлари барча тараққийпарвар ёзувчилари ижодининг қалин ўзаро мустаҳкам алоқалари ҳақида гапирди. Тошкентдаги учрашувлар шундай алоқаларни бошлаб берганди. Империализм ва янги мустамлакачиликка қарши курашаётган халқларнинг адолатли ишига ўз ижоди билан хизмат қилиш умумий иштиёқи бу ёзувчиларни бирлаштиради.

Съездда қорақалпоқ шоири Иброҳим Юсупов, Арманистондан келган прозаик Манук Мнацаканян, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директори Матёқуб Қўшчонов, «Ўзбекистон маданияти» газетасининг бош редактори Лазиз Қаюмов, шоир Нуриддин Шукуров, Ўзбекистоннинг энг кекса ёзувчиларидан бири Михаил Шевердин ўзбек совет адабиётини янада ривожлантириш, унинг барча қардош совет республикалари миллий маданиятлари билан қалин алоқаси тўғрисида гапирдилар.

Съезд қатнашчилари Ўзбекистон адиблари ўзларининг бутун талантлари, бутун куч-ғайратларини бундан буён ҳам коммунистик қурилишнинг буюк ишига бағишлайдилар, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оладилар, деб таъкидладилар. Партия ва халқ ишига хизмат қилиш, ўз ижоди билан совет кишиларини севимли Ватан равнақи йўлида янгидан-янги зафаларга илҳомлантириш республика адибларининг жанговар шиоридир.

Съездда қабул қилинган резолюцияда республика ёзувчилар ташкилотининг бутун фаолияти даражасини янада ошириш йўллари белгилаб берилди.

Съезд Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси ва ревизия комиссиясининг янги составларини, СССР ёзувчилари VII съездига делегатларни сайлади. Шу билан Ўзбекистон ёзувчиларининг VIII съезди ўз ишини тамомлади.

* * *

Республика Ёзувчилар союзи правлениесининг 1 ноябрь куни бўлиб ўтган пленумида Сарвар Азимов правлениенинг биринчи секретари қилиб сайланди. Рамз Бобожон, Тулепберген Қаипбергенов, Нормурод Нарзуллаев, Борис Пармузин Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретарлари этиб сайландилар.

(ЎзТАГ).

МУВАҚҚАТ ГРУППАЛАР — ҲАРАКАТДА

КОММУНИСТЛАР КАФОЛАТИ

«Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси реконструкцияси иккинчи навбати муддатидан уч ой олдин тугалланди. Бунда мураккаб партия группаси алоҳида ишчанлик ва қатъият кўрсатди.

— Йил бошида объектда аҳвол жуда оғир эди, — дейди Марғилон шаҳар партия комитети ташкилий бўлимининг мудири Абдусамад Шерматов. — Қурилиш жараёнида кўп муаммолар туғилиб, иш суръатига салбий таъсир эта бошлади. Коммунистлар, илғор қурувчилар билан суҳбатлашиб, объектдаги аҳвол билан яқиндан танишгач, реконструкциялаш ишларининг иккинчи навбати шу йил охирига қадар битказилиши хаваф остидалигини сездик. Шаҳар партия комитетининг бюросида қурилиш ишларининг бориши кенг, атрофлича муҳокама қилинди.

Марғилонлик коммунист қурувчилар ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, объектни ўз муддатида ишга туширишни ташаббуси билан чиқишди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Абдумухтор Мадиқров раислигида қурилиш штаби ташкил этилди. Унга шаҳар партия, совет, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари киритилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, 14-қурилиш трести Марғилон қурилиш-монтаж бошқармаси коммунистларининг ташаббусига кўра объектда мураккаб партия группаси тузилди. Бошқарма план бўлимининг катта инженери Т. Гнатюк унинг етакчилигига сайланди. Группага илғор бригада бошлиқларидан А. Сторожилов, қурувчи Р. Ҳожиминов, бош механик М. Агаев каби қурилиш соҳасини яхши билган коммунистлар бирлашишди. Улар объектда ишлаётган партия аъзолари ва барча бинокорлар ўртасида партиявий-сиёсий ва ташкилий ишларни авж олдиришди. Илғор иш усуллари ва қўлга киритилган ютуқларни қурувчилар ўртасида кенг ёйиш, уларнинг унумли меҳнат қилишларига шарт-шароитлар ҳозирлаш ва материалларни тежаб-тергаб ишлатишни устидан назорат ўрнатишди. Бинокорлар, айниқса, комсомол-ёшлар ўртасида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар юқори савияга кўтарилди, ҳар бир қурувчининг масъулияти оширилди. Социалистик мусобақа, мураббийлик ҳаракати бинокорлик ишларининг сифати ва самарадорлигини юксалтиришда асосий омил бўлди.

Катта қурилишларнинг ташвиш ва қувончлари ҳам катта бўлади. Мураккаб партия группаси ана шундай бир қатор камчиликларни бартараф этиш борасида ҳам яхши ташкилотчилик кўрсатди. Объектда айрим кунлари бир вақтнинг ўзида ўндан зиёд қурилиш ташкилотларининг мингга яқин қурувчилари меҳнат қилишди. Уларни етарли иш жабҳаси, бинокорлик материаллари билан таъминлаш, қурилиш конвейерининг бир маромда ҳаракат қилиши, энг муҳими технология қонун-қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлашнинг ўзи бўлмади.

— Аввалига объектда ишни ташкил этиш, бошқариш қийин кўчди, — дейди 14-қурилиш трести бошқарувчисининг ўринбосари У. Ҳакимов. — Ишга кеч келадиганлар, дангасалар, прогулчилар ҳам учрай бошлади. Ана шунда мураккаб партия группаси ва касаба союз ташкилотининг ёрдамига таянлик. Меҳнат интизомини бузаётганлар очиқ партия йиғилишларида муҳокама қилинди. Коммунистлар қурилиш жараёнининг барча бўғинларини эътибордан четда қолдиришмади. Корпус қурилишини белгиланган вақтда битказиш чораларини кўришди. Группа йиғилишларида айрим масъулиятсиз қурувчилар, бригада бошлиқларигина эмас, ҳатто баъзи қурилиш раҳбарлари ҳам муҳокама қилинди. Чунки коммунистларнинг мақсади битта — объектни тезроқ ишга туширишдан иборат эди. Халқ контроли группаси билан биргаликда объектда мунтазам рейд ва текширишлар ўтказилди.

Социалистик мусобақани намунали уюштиришга ҳам коммунистлар раҳбарлик қилишди. Меҳнат беллашуви тез-тез якунланиб, илғорлар моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Бунда кўргазмали агитация воситаларидан кенг кўламда фойдаланилди. Мусобақада кўп марта голиб бўлганлар шарафига шон-шуҳрат байроқлари кўтарилди. Область Советининг депутати Т. Қозоқов, А. Сторожилов каби коммунистлар бошлиқ бригадалар бир неча марта илғорлик қилишди.

Шаҳар партия комитети қурилишга меҳнаткашларни кенг сафарбар этди. Бу ерда ипак комбинати, ёғочсозлик заводи, 5-кўчма механизациялашган колонна, тракторремонт заводи каби қатор коллективларнинг қурувчилари, студент-қурилиш отрядлари жангчилари ибратли ишлашди.

«Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти шаҳарлари йирик коллективлардан ҳисобланади. Бирлашма коммунистлари ҳам объектни тезроқ ишга туширишни мақсадида партиявий раҳбарликнинг турли форма ва методларидан кенг фойдаланмоқдалар. Партком-қошида ишга туширилиадиган объект бўйича махсус комиссия тузилди. Корхона капитал қурилиш бўлими катта инженери К. Шарушенский раислигидаги комиссия аъзолари сафида танда тайёрлаш цехи бош инженери Т. Нигматуллаев, партком секретари М. Мадаминов, илғор тўқувчи А. Умаров, капитал қурилиш бўлими бошлиғи К. Назиров ва бошқалар бор эди. Улар бинокорлар амалга ошираётган ишлар сифатини доимо назорат қилишди. Объектни керакли асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланишини текшириб боришди. Қурилишда тез-тез ўтказилган рейд ҳамда текширишлар меҳнат интизомини янада яхшилашга хизмат қилди. Электр жиҳозлар вақтида келтирилмай, монтажчиларнинг ишида унум бўлмай қолган пайтда комиссия дарҳол Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига мактуб йўллаб, бу муаммони тезлик билан ҳал этишга ёрдам беришларини сўради. Танда қўйиш машиналарини вақтида келтирилишига эришиш мақсадида комиссия шахсан СССР енгил саноат министри номига махсус хатлар ёзди. Калава тайёрлайдиган машинани етказиб бермаётган Душанба шаҳридаги завод партия ташкилотига мактуб кетидан мактублар йўллаб, муҳим объектни тезроқ ишга туширилишига ёрдам беришларини сўрашди.

Ҳа, марғилонлик коммунистларнинг ташаббускорликлари, шаҳар партия комитетининг қурилишга раҳбарликни тобора такомиллаштириб бораётганлиги сабабли «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси реконструкциясининг иккинчи навбати муддатидан уч ой муқаддам битказилди. Йил бошидан бери 2 миллион 700 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари адо этилди. Замонавий жиҳозларга эга бўлган ишлаб чиқариш корпуслари фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Ҳозирча бетончилар, монтажчилар, пардозловчилар объектки тарк этишганича йўқ. Улар реконструкция ишларининг кейинги босқичларини ҳам жадал давом эттиришмоқда. Ўн биринчи беш йилликда ҳам бу йилгидек юксак суръат билан ишлаш учун замин ҳозирлашмоқда.

Айни кунларда ҳали бўёқ ҳиди кетиб улгурмаган цехларда Исроил Охунов, Рўзимат Аҳмедов, Сулаймон Қўчқоров, Мастура Мамасиддиқова сингари тажрибали тўқувчилар янги, юксак унумли дастгоҳларни созлашмоқда.

— Аввалларги цехимиз шаҳарнинг турли жойларида бўлиб, кўпинча ноқулай шароитда меҳнат қилардик, — дейди тўқувчи Аҳмад Йўлдошев, — Бу ерда эса кенг, ёруғ корпусга 224 машина ва дастгоҳлар ўрнатилапти. Корпуснинг ҳавоси конденсионерлар ёрдамида тозалаб турилади. Унумли ишлашимиз учун барча шароитлар яратилган.

— Янги цехларда меҳнат унумдорлиги 13 процент ўсади, — дейди «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери Н. Зауров, — танда тайёрлашнинг яхшиланиши туфайли тўқувчиларнинг ишлаб чиқариш унуми 2 процент ошади. Демак, бир йилда планга қўшимча ярим миллион метр газлама тайёрлаш мумкин.

Одатда енгил саноат корхоналарида янги қувватларни ўзлаштиришга бир ярим йил вақт кетади. Съезд шарафига меҳнат вахтасида турган бирлашма коммунистлари эса бу муддатни тенг яримига қисқартиришга ҳаракат қилишмоқда. Қурувчилар бинони муддатидан уч ой илгари битказишди. Бунга атласчилар иқтисод қиладиган тўққиз ойни ҳам қўшсак, бир йилда икки миллион метр газлама — 12 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Бу — Марғилон меҳнаткашларининг партия съездига муносиб совғаси бўлади.

А. НИЁЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

СОВЕТ АДАБИЁТИНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

БОКУ, 1 ноябрь. (ТАСС мухбири). Ўзларининг илҳомбахш сўзлари билан етук социалистик жамият граждани эниг яхши сифатлари қарор топтиришга ёрдам бериш — совет адабиётчиларининг юксак ва масъулиятли вазифасидир, Кеча Бокуда якунланган ёзувчларнинг Бутуниттифоқ ижодий конференциясида ана шу партиявий талаблар доирасида гап борди. Конференция «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги» мавзуида ўтказилди. Унда совет адабиётчилари билан бир қаторда чет эллик меҳмонлар ҳам иштирок этдилар.

Конференцияда беш кун мобайнида муҳокама этилган «Ёзувчининг сўзи — совет кишисини интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда актив қуқдир» проблемаси Бокудаги меҳнат коллективларида ва Озарбайжоннинг бошқа шаҳарларида давом этди. В. И. Ленин номидаги саройда бўлиб ўтган интернационал адабий кеча ижодий мунозара мавзуининг ёрқин намунаси бўлди.

Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, Ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома йўлладилар.



ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Суғориш системаларини коласи йил учун пухта ҳозирлаб қўйиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Суратда: Урганч — Арна сув тақсимлаш каналининг бош иншоати.

К. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қўйидагилар республика «Ҳурмат тахтасига ёзилади

Ленин райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Исманов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Усмонов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мамасиддиқов, сельхозтехника район бирлашмасининг бошқарувчиси вазифасини ижро этувчи ўртоқ Собиров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Дўсматов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Абдуллаев, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Қосимов;

Марҳамат райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Расулов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Йўлдошева, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Хўжалиев, сельхозтехника район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Расулов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Зиёев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Мамаков, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Зокиров;

Ўзбекистон райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Пайғамов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Раҳимов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Назаров, сельхозтехника район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Содиқов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Хусанов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Раҳмонов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Ҳакимов.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика районларида пахта тайёрлашнинг борғиси тўғрисида шу йил 1 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — мавсум бошидан бўён тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

БУХОРО ОБЛАСТИ		
Ромитан	135,69	100,43
Ғиждувон	131,93	102,72
Пешку	121,18	101,77
Қизилтепа	116,13	110,83
Навоий	116,06	101,29
Олот	114,17	99,22
Қоракўл	110,89	104,98
Шофиркон	107,09	105,65
Навбаҳор	106,67	94,71
Бухоро	106,39	89,81
Свердлов	103,85	97,34
Вобкент	101,84	101,87
Когон	82,43	60,49
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Пискент	122,64	135,01
Бўка	121,63	124,01
Ғалаба	113,99	119,29
Бекобод	112,85	115,75
Чиноз	111,87	116,02
Коммунистик	107,72	104,79
Оққўрғон	107,71	112,62
Урта Чирчиқ	106,36	111,37
Янгийўл	104,31	111,01
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Каттақўрғон	126,68	107,57
Пахтачи	119,52	126,63
Хатирчи	115,51	103,62
Пастдарғом	112,48	106,75
Большевистик	112,25	97,11
Нарпай	110,94	83,82
Иштихон	110,61	92,84
Оқдарё	109,19	97,49
Пайариқ	104,64	89,59
Жомбой	103,24	92,97
Булунғур	84,86	45,86
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Қамаши	118,31	106,23
Толимаржон	116,53	111,42
Шаҳрисабз	116,05	100,22
Китоб	112,54	108,12
Баҳористон	112,06	103,87
Ғузор	111,36	91,06
Қарши	110,28	105,91
Нишон	109,11	110,25
Муборак	108,12	100,17
Косон	107,61	106,20
Чироқчи	106,50	100,09
Яккабоғ	102,35	71,32
Ульянов	101,16	100,25
Усмон Юсупов	99,67	101,28
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Ангор	116,59	102,61
Қумқўрғон	115,63	100,12
Ленин йўли	115,30	119,75
Шўрчи	111,45	90,94
Ғағарин	107,61	120,61
Жарқўрғон	105,32	78,69
Бойсун	105,30	63,74
Сариосиё	104,32	99,92
Денов	101,86	81,77
Термиз	99,82	56,18
Шеробод	94,34	101,21
ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ		
Арнасой	112,02	110,32
Октябрь	110,30	106,85
Дўстлик	107,00	120,15
Жиззах	103,84	104,44
Мирзачўл	103,47	109,01
Пахтакор	102,62	91,95
Зарбдор	100,44	100,02
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Ильич	113,08	116,93
Оқолтин	110,89	128,01
Ворошилов	105,11	114,20
Боёвут	104,59	118,55
Комсомол	103,58	98,59
Гулистон	102,43	109,20
Сирдарё	101,33	101,92
Меҳнатобод	100,77	96,45
Ховос	94,10	71,15
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Хива	105,93	101,26
Хонқа	107,07	108,70
Гурлан	104,85	103,78
Янгариқ	104,85	122,30
Урганч	104,04	103,85
Қўшкўпир	103,72	107,99
Ҳазорасп	102,27	113,47
Шовот	101,10	102,23
Боғот	100,41	112,96
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Нукус	115,26	120,03
Беруний	111,62	119,85
Тўрткўл	111,17	102,40
Элликқалъа	110,80	113,16
Хўжайли	107,23	115,06
Шуманай	105,24	103,44
Ленинобод	103,93	112,57
Қораўзак	101,70	107,22
Қўнғирот	100,16	90,39
Амударё	98,39	87,17
Кегайли	92,73	98,80
Чимбой	83,24	103,69
Тахтакўпир	74,20	70,43
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Бувайда	111,70	109,18
Киров	109,29	88,62
Ленинград	107,00	94,70
Қувасой шаҳри	104,61	80,45
Бағдод	102,88	102,95
Риштон	101,67	88,22
Ўзбекистон	101,52	87,37
Олтиариқ	98,93	76,82
Фарғона	97,92	76,84
Фрунзе	96,76	98,28
Қува	95,32	95,08
Охунбобоев	86,34	75,99
Тошлоқ	83,37	72,90
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Комсомолобод	114,33	106,00
Бўз	112,55	137,24
Ленин	102,06	63,11
Марҳамат	101,88	86,13
Балиқчи	97,34	81,93
Москва	97,02	84,78
Хўжаобод	94,88	76,31
Избоскан	94,13	74,24
Пахтаобод	93,57	71,49
Олтинкўл	91,81	67,32
Андижон	90,13	69,11
Жалолқудуқ	85,48	71,67
Қўрғонтепа	84,76	74,37
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
Косонсой	108,89	93,88
Тўрақўрғон	100,04	100,01
Поп	98,70	99,56
Наманган	97,64	90,50
Чуст	95,48	60,36
Уйчи	94,03	56,10
Зодарё	92,85	99,88
Норин	91,37	78,45
Янгиқўрғон	89,49	56,74
Учқўрғон	84,02	78,76

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ТАЪСИРЧАН ОМИЛ

Москвада олиб борилган Совет — Эфиопия музокаралари, Л. И. Брежнев билан Менгисту Хайле Мариамнинг Кремлда сўзлаган нутқлари Совет Иттифоқи ва Эфиопия уруш хавфининг кучайишига қарши, низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш учун бундан буён ҳам актив курашишга қатъий қарор берганликларини тасдиқлади. Чет эллардаги обзорчиларнинг кўпчилиги бу музокараларнинг тинч, конструктив характери империалистик ва гегемончи кучларнинг халқаро вазиятни кескинлаштириш, кескинликнинг юмшатилишига путур етказиш, халқларнинг миллий ва социал озодлик учун адолатли курашига халақит бериш йўлидаги ашаддий уринишларига тамомила зид бўлиб тушди.

Ўзгариб турган нотинч жаҳонда АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари ривожланаётган давлатларнинг табиий бойликларига нисбатан ўз даъволарини яширмаётирлар. Москва музокараларида таъкидлаб ўтилганидек, улар кескинликнинг янги манбаларини вужудга келтирмоқдалар, сурбетларча тазйиқ ўтказиш ва дўқ-пўписа қилишдан иборат авантюристик сиёсатни ошкора ўтказиб келмоқдалар, ҳарбий активликни кучайтирмоқдалар. Ғарб давлатлари халқаро мусобақаларда қасддан тартибсизлик ва авантюризм уруғини сочмоқдалар, тараққийпарвар режимларни ҳар қандай йўл билан ёвидан чиқариш, ёш давлатларнинг иқтисодий мустақиллик соҳасида олга қараб қилаётган ҳаракатига ҳалақит бериш учун интилмоқдалар.

Шу хилдаги ғаразли авантюристик ҳаракатлар давом этаётган бир шароитда Совет — Эфиопия алоқалари халқаро муносабатлар янги типининг тимсоли, самарали халқаро ҳамкорлик намунасидир. «Совет Иттифоқи билан Эфиопиянинг дўстона муносабатлари,— деди Л. И. Брежнев, — эндиликда тинчликнинг таъсирчан омили бўлиб майдонга чиқмоқда. Улар халқларимизнинг манфаатларига яхши хизмат қилади».

Ривожланаётган давлатларнинг СССР билан ва социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатлар билан мустаҳкам иттифоқ тузишга қаратилган йўли уларнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлашга ва иқтисодий мустақилликка эришишига ёрдам беради. Совет — Эфиопия ҳамкорлиги тажрибаси буни яққол кўрсатиб турибди. «СССР, — деди Менгисту Хайле Мариам, — бутун жаҳонда империализмга ва мустамлакачиликка қарши, халқларнинг озодлиги ва равнақи учун қурашнинг қудратли иттифоқчиси ва таянчи бўлиб қолди». Шу мусобақат билан чет мамлакатларнинг матбуотида қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: тенглик, адолат ва эркинлик принциплари асосидагина, бир томонлама наф кўриш, алоҳида ҳуқуқ ва имтиёзлардан воз кечиш асосидагина Африка Мугузи районида ва Африкадагина эмас, бутун жаҳонда ҳам тинчлик ва хамжиҳатлик бўлишини таъминлаш мумкин.

МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИШ ЙЎЛИ

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари муҳим маррага яқинлашиб қолдилар. Социал-иқтисодий қурилишнинг навбатдаги беш йиллиги ниҳоясига етай деб қолди. Бу беш йиллик жаҳон социализм системасини бундан бўён ҳар томонлама юксалтириш учун катта аҳамиятга эгадир. 1976 — 1980 йилларда неча юзлаб янги индустриал объектлар ишга туширилди, ҳамдўстликнинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди. Статистика маълумотларида кўрсатиб ўтилганидек, кейинги ўн йилликда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда миллий даромад 62 процент, саноат ишлаб чиқариши эса 78 процент ортди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик бу соҳада жуда катта хизмат қилди. Бу ҳамкорлик қардош коммунистик ва ишчи партиялар дадиллик билан тузган режаларни муваффақиятли амалга оширишнинг мустаҳкам воситасидир.

Экономиканинг ўзаро манфаатли мустаҳкам алоқада сезиларли, конкрет самара бермаган бирон соҳасини тилга олиш қийин. Бир қанча мисолларни — социалистик иқтисодий интеграция рамзларинигина келтириб ўтамиз: Совет Иттифоқининг «Жигули» енгил автомобиллари учун керакли кўп узел ва агрегатлар турли социалистик мамлакатларда тайёрланмоқда, София атрофидаги Кремиково металлургия комбинати СССРнинг ёрдами билан қурилди. Венгрияда Пакш биринчи атом электростанциясини қуришда кўприна қардош мамлакатлар қатнашмоқдалар. Чехословакиянинг Копршивница шаҳридаги «Татра» автомобиль заводи Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши халқаро инвестицион банкининг маблағлари ҳисобига модернизация қилинмоқда.

Навбатдаги беш йилликлар планларини ишлаб чиқиш тугалланаётган ҳозирги пайтда қардош мамлакатларнинг ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳамкорлик социалистик давлатларнинг куч ва маблағларни экономиканинг ҳал қилувчи тармоқларида тўплашлари, бутун ҳамдўстликнинг ва алоҳида ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари йўлида жуда муҳим бўлган актуал проблемаларни ҳал этишда куч-ғайратларини бирлаштиришларига ёрдам беради.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ижроия комитетининг Москвада бўлиб ўтган навбатдаги сессияси буни яна бир марта намойиш қилди. Сессияда халқаро кооперативлаштириш ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни чуқурлаштириш соҳасида бажарилган ишлар якунлаштирилди. ҳамкорликнинг узоқ муддатга мўлжалланган тармоқ программаларидан келиб чиқадиган вазифаларни самарали ҳал этиш тадбирлари белгиланди. Бу программалардан кузатилган асосий мақсад — жамоат ишлаб чиқаришини бутун чоралар билан интенсивлаштиришдан, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва бошқаришни юксак даражага кўтаришдан иборат.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида халқаро социалистик меҳнат тақсимотини, социалистик иқтисодий интеграцияни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш — социалистик давлатларни социал-иқтисодий ривожлантириш соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришишнинг тўғри йўлидир.

В. КОРОЧАНЦЕВ,
А. ЯКОВЛЕВ,
(ТАСС).

АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

МЕХИКО. Бу ерда савдосотиқ масалалари, илмий-техника ҳамкорлиги ва денгиз кемачилиги юзасидан Совет — Мексика аралаш комиссияларининг сессияси ўз ишини тамомлади. Сессияда кейинги йиллардаги икки томонлама ҳамкорлик якунлари чиқарилди. СССР билан Мексика ўртасида ана шу соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш программаси баён этилган ҳужжатлар қабул қилинди.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПРАГА. Брнода кашфиётлар ва техника янгиликлари «Инвекс-80» халқаро виставкаси ўз ишини тамомлади. Виставкада Чехословакиядан ташқари Венгрия, ГДР, Польша, СССР, Дания ва Франция иштирок этди. Ҳаваскорлик техника ижодиётининг ана шу анъанавий кўригида мингдан ортиқ экспонат — янги машиналар, технология материаллари ва янгиликлари намойиш қилинди.

Совет Иттифоқи виставкага тақдим этган экспонатлар унинг чет эллик қатнашчилари орасида гоят катта муваффақиятга сазовор бўлди. СССР экспонатлари виставкаининг учта олтин медали билан тақдирланди.

ПАРИЖ. Франциянинг шимоли ва шимоли-ғарбидаги шахталарда ишловчи марокашлик 4500 нафар кончининг забастовкаси ғалаба билан тугади. Иш ташловчилар ўзларига француз шахтёрлар билан тенг ҳуқуқлар берилишини талаб қилдилар.

НЬЮ-ЙОРК. Мамлакатнинг энг йирик резина саноати корпорацияларидан бири «Файрстоун тайр энд раббер» ўзининг Нобл-вилл шаҳридаги (Индиана штати) автомобиль покришкалари ишлаб чиқарадиган заводини ёпиб қўйиш ва мингдан ортиқ кишини ишдан бўшатиш ниятида эканлигини маълум қилди.

Корпорация шу йил бошидан бери 12 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчини ишдан бўшатди.

ДАККА. Бу ерда ва Бангладешнинг бошқа шаҳарларида мамлакатдаги бир қанча сиёсий партиялар ташаббуси билан оммавий митинглар бўлиб ўтди. Ана шу митинглар қатнашчилари сиёсий маҳбуслар, жумладан, Бангладеш Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари М. Фарҳод турмадан озод этилишини талаб қилдилар. М. Фарҳод шу йилнинг апрель ойида қамоққа олинган эди ва у шу вақтгача тергов ва суд қилинмай турмада сақланмоқда. Олинган маълумотларга қараганда, М. Фарҳод қамоққа олинганидан бери унинг саломатлиги жуда ёмонлашган.

КУАЛА-ЛУМПУР. Малайзияда озиқ-овқат ва саноат моллари нархи тез суръатлар билан ошмоқда. Октябрь ойи давомида қанд-шакар, сут ва ўҳ мева нархи ўрта ҳисобда 10 процентдан 20 процентгача оширилди. Яқинда шаҳар автобусларида қатнаш ҳақи ва ёнилғи нархи оширилажаги эълон қилинди. Нарх-навонинг ошиши аввало кам даромад оладиган оилаларнинг аҳволига таъсир қилмоқда.

(ТАСС).

КОММУНИСТ МЭР ҚИЛИБ САЙЛАНДИ

РИМ, 1 ноябрь. (ТАСС). Италия Коммунистик партиясининг аъзоси Альдо Жакке сурункасига иккинчи марта Лигурия соҳилидаги катта вилоят маркази — Специя шаҳрининг ҳокими қилиб сайланди.

У сўл муниципал хунтага бошчилик қилди. Унга Коммунистик партия ва социалистик партия вакиллари кирди.

ИРОҚ—ЭРОН МОЖАРОСИ

БАҒДОД. 1 ноябрь. (ТАСС). Ўтган кунлар мобайнида Эроннинг Қасри Ширин ва Ободон шаҳарлари районларида уруш ҳаракатлари давом этди.

Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг хабар қилишича, Эрон қўшинлари Ироқ қўшинларининг Қасри Ширин районидаги позицияларига муваффақиятсиз ҳужум қилганлар. Натижада Эрон қўшинларининг аскар ва техникасига катта талафот етказилган.

Эрон авиацияси Ироқнинг Сулаймония ва Эрбил вилоятларидаги граждан объектларига ҳужумлар қилди. Ироқнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари Эроннинг икки самолётини уриб туширди.

Ироқ самолётлари кеча Эрон қўшинларининг Сарипули заҳоб районидаги позицияларини бомбардимон қилиб, душманга катта-катта талафотлар етказди.

ТЕҲРОН, (ТАСС). Теҳрон радиосининг хабарларига кўра, Хуррамшаҳр ҳимоячилари ҳамон шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмини ўз қўлларида ушлаб, Ироқ қўшинларини Ободонга олиб борувчи кўприкка ўтказмаяптилар. Ироқ қўшинлари Ободонга тўплардан шиддатли ўқ ёғдирмоқда, ҳарбий хизматчилар ва граждан аҳоли ўртасида ўлган ва жароҳатланганлар бор.

Эрон артиллерияси ҳам жим турмаяпти, Эрон ҳарбий ҳаво кучлари эса Хуррамшаҳрнинг ғарбий қисмига бир неча марта ҳужум қилди.

Теҳронда Эрон олий мудофаа кенгашининг мажлиси бўлди. Олий мудофаа кенгашининг секретари Ҳаменеининг айтишича, мажлисда фронтда якка бошчиликни таъминлаш масаласи кўриб чиқилган. Кенгаш Ободонни мудофаа қилиш ва шаҳарни моддий жиҳатдан таъминлаш режаларини ишлаб чиқди. Хаменеининг айтишича, ҳозир Ироқ артиллерияси тўхтовсиз ўт очиб турганлигидан Ободон билан алоқа қийинлашган.

«АДРНИНГ ОҚ КИТОБИ»

НЬЮ-ЙОРК. АДРнинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси бу ерда тарқатган «Афғонистон Демократик Республикасининг оқ китоби» Афғонистоннинг ички ишларига тўхтовсиз аралашаётган Вашингтон, Пекин ва уларнинг гумаштаси ваъзинга қилинган ғазабли айбнома бўлди.

АДР ташқи ишлар министрлиги тайёрлаган китобда АДР ҳукуматининг баёнотлари ва қарорлари, АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Карманнинг, АДР ҳукумати бошқа аъзоларининг нутқлари ва суҳбатлари, Бахтар агентлигининг энг муҳим информацион билдиришлари тўпланган.

Тўпламга киритилган ҳужжатлар демократик Афғонистонга қарши жиноий ишларга ким бошчилик қилаётганлиги тўғрисидаги саволга ишонарли жавоб бўлади. Нашрда кўпдан кўп далиллар келтириладики, улар айни империализм ва гегемонизм кучлари афғон халқининг янги ҳаёт қуриши йўлида ғовлар вужудга келтираётганига шак-шубҳа қолдирмайди.

Китобда АДР хавфсизлик органлари зарарсизлантирган жосуслар ва диверсантларнинг баёнотлари келтирилган. Ана шу жосуслар ва диверсантлар уларни АҚШ, Хитой, Покистон, Англия ва Мисрдан келган инструкторлар таълим бериб ўргатганликларини тўғридан тўғри тан оладилар. Келтирилган ҳужжатли далилларидан шу нарса маълум бўладики, босмачилар Америка қурол-яроғи ва ўқ дорилари билан, шунингдек Хитой, Покистон ва Мисрда ишлаб чиқарилган қурол-яроғлар билан таъминламоқда. Империализм ва гегемонизмга ёлланган сотқинлар энг оғир жиноятларга — одамларни кўплаб ўлдириш, кийнаш, тинч аҳолини таҳқирлаш каби жиноятларда айбдордирлар.

Империализм ва гегемонизм кучларининг игвогарлик ва кўпорувчилик ҳаракатлари ҳамон давом этаётганлигига қарамай АДР ҳукумати Афғонистон тараққиётини жадаллаштириш ва бошқаришни юксак даражага кўтаришдан иборат.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида халқаро социалистик меҳнат тақсимотини, социалистик иқтисодий интеграцияни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш — социалистик давлатларни социал-иқтисодий ривожлантириш соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришишнинг тўғри йўлидир, деб ҳисоблайди. (ТАСС).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

АМУ СОҲИЛИНИНГ ДУРДОНАСИ

Қорақалпоғистон пахтакорлари Ватанга 405 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб бериб, ўзларининг юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар

Ўнинчи беш йилликни улкан ғалабалар билан якунлаётган Қорақалпоғистон автоном республикаси меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган сермазмун нутқини, СССР Олий Советининг ўнинчи чақириқ тўртинчи сессияси материалларини зўр қониқиш билан кутиб олдилар.

Партиямиз ва халқимиз ҳаётидаги энг муҳим воқеа КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди яқинлашгани сайин автоном республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари социалистик мусобақани янада авж олдириб юбормоқдалар. Коммунистларнинг ана шу олий анжуманларига ҳар бир меҳнатчи муносиб совға тайёрламоқда.

Партиямизнинг съездлари, пленумларида қабул қилинган ҳужжатлар, ўртоқ Л. И. Брежневнинг маслаҳатлари, курсатмаларидан келиб чиқадиган улкан вазифаларни изчиллик билан амалга ошираётган автоном республика пахтакорлари, механизаторлари, барча меҳнаткашлари улкан ғалабани қўлга киритдилар. Она-Ватан хирмонига топширган «оқ олтин»имиз 405 минг тоннадан ошди. Шундай қилиб, зиммага олинган социалистик мажбурият ошириб ado этилди.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтамизки, ўнинчи беш йиллик давомида давлатга сотган пахтамиз 1 миллион 931 минг тоннадан ошди. Бу планда белгиланганидан салкам 80 минг тонна кўп демакдир.

Автоном республикада халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари комплекс ривожланяпти. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам, капитал қурилишда ҳам катта муваффақиятларга эришаётгимиз. Саноат корхоналари бу йилни 473,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, капитал қурилишда эса 300 миллион сўмлик маблағни ўзлаштириш билан якунлайдилар.

Бизда пахтачилик билан шоличилик айниқса, жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Бу йил азамат деҳқонларимиз ҳар йилгидан ҳам мўл-кўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Пахта йиғим-теримини жадаллаштириш, иш сифати ва самарадорлигини ошириш, илғор районлар ва хўжаликларни рағбатлантириш мақсадида Қорақалпоғистон область партия комитети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва автоном республика Министрлар Совети кўчма Қизил байроқлар таъсис этди. Социалистик мусобақада ғолиб чиққан район, колхоз ва совхозлар ҳар беш кунда кўчма Қизил байроқлар ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказишда автоном республика партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларни олиб бориш билан бир қаторда, социалистик мусобақани ташкил қилиш ва оммалаштириш, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида самарали иш олиб бордилар. Бунинг натижасида пахта йиғим-терими суръатига суръат қўшилди, ҳосилнинг сифати яхшиланди.

Нукус райони пахтакорлари автоном республикада биринчи бўлиб, пахта тайёрлаш бўйича халқ хўжалик планларини шараф билан ado этдилар. Халқ хўжалик планларини ошириб бажариб, 56 минг тонналик «оқ олтин» хирмони учун курашаётган Тўрткўл ва Беруний районлари, 60 минг тонналик маррани кўзлаган Элликқалъа районлари пахтакорлари терим суръатини сира ҳам бўшаштирмаётирлар. Хўжайли, Шуманай, Ленинобод, Қораўзак, Амударё, Қўнғирот районлари пахтакорлари анчадан бўён социалистик мажбуриятларини ҳисобига «оқ олтин»ни топширишяпти. Социалистик мажбуриятнинг ошириб бажарилишига Кегайли, Чимбой, Тахтакўпир районлари пахтакорлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Бу йил автоном республикада биринчи марта 55—60 центнерчилик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Тўрткўл районидаги Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор К. Назаров раислик қилаётган Димитров номли, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Ешмуротов раислик қилаётган «Коммунизм», Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати К. Отажонов раислик қилаётган Навоий номли, Элликқалъа районидаги А. Олимов раислик қилаётган «Қирқизобод». Хўжайли районидаги Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати Р. Ҳасанов раислик қилаётган Ленин номли колхозларнинг пешқадам пахтакорлари шу кўрсатгача ҳар гектар майдондан 52—56 центнердан ҳосил йиғиб олишди. Бу хўжаликлар ошириляпти социалистик мажбуриятларини ҳам яқин кунларда шараф билан бажаришларига ишонамиз.

Об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамасдан Тўрткўл районидаги Энгельс номли, «Совет Ўзбекистони», Беруний районидаги «Правда» колхозлари, шу райондаги Беруний номли, Охунбобоев номли совхозлар, Элликқалъа районидаги Калинин номли колхоз, Охунбобоев номли, «Октябрь 60 йиллиги» совхозлари, Хўжайли районидаги Энгельс номли, Ҳамза номли колхозлар, Амударё районидаги «Партия XXII съезди», Тельман номли, Крупская номли колхозлар ва М. Горький номли совхозда ҳар гектар ердан 40—50 центнердан ошириб пахта ҳосили олинди.

Тўрткўл районидаги Ленин ордени кавалери С. Рўзимов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Рўзимбетов, К. Валиев, Р. Нуриллаев, Беруний районидаги Ленин ордени нишондори З. Қаландаров, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. Рўзимова, Р. Бекниёзов, Элликқалъа районидан Ленин ордени кавалери С. Қурбонов, С. Седиев, Р. Кўзиев, Амударё районидан Қ. Камолов, С. Йўлдошев, Хўжайли районидан Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати С. Жуматов, У. Бўроновлар, К. Мадаминов, Б. Абдиев, Шуманай районидан Ж. Нисонов, Ж. Мнажов ўртоқлар рақбарлик қилаётган бригадалари ҳар гектар майдондан шу кунгача 55—60 центнердан пахта ҳосили олинди.

Автоном республикада тайёрланган жами пахтанинг 67 процента «зангори кема»лар билан терилиб олинди. Пахтазорларда 3000 та терим агрегати икки сменада ишлатилди. Жуда кўплаб кўсак узадиган ва чувийдиган агрегатлар, подбор терадиган машиналар ишлатилмоқда. Дала гвардиячилари орасидан кўплаб ташаббускорлар етишиб чиқди.

Энди илғор механизаторларимиз номини фахр билан айтиб ўтайлик. Элликқалъа районидаги «Москва» совхозининг донглор механизатори, СССР Олий Совети депутати Жамила Бекжонова, шу райондаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозининг механизатори Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Искандар Қаландаров ўртоқлар машина теримида рекорд кўрсаткичларга эришдилар. Уларнинг ҳозиргача терган пахталари 420—515 тоннаданга айланди.

Жамила Бекжонова ва Искандар Қаландаровларнинг ташаббус ва тажрибалари асосида иш кўрган Аминбой Қурбонбоев, Довулбой Назаров, Собир Қурбонов, Ҳакимбой Йўлдошев, Тўхта Нуримова, Назармат Отаев каби кўплаб механизаторларимизнинг ҳар бири мавсумда 300—380 тоннадан ошириб пахта териб беришди.

Автоном республикада пахта тайёрлаш плани ва топшириқларини биринчилар қаторида бажарган қўриқдаги «Москва», «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги», «Элликқалъа», «Ленинизм», М. Горький номли, «Бўзатов» совхозларида шу кунгача барпо этилган хирмоннинг 85—95 процента машиналар билан териб олинди.

Автоном республикада қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам муваффақиятли якунланмоқда. Шоликорларимиз, маккажўхорикорларимиз ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирдилар. Беш йилда тайёрлов пунктларига 930 минг тонна шоли топширилди. Беш йилда етти йиллик план миқдорида шоли тайёрланди. Бу беш йилликда шоли ишлаб чиқариш тўққизинчи беш йилликка нисбатан икки ҳисса кўпайди. Маккажўхори дони етиштириш эса икки ярим баравар ошди.

Қорақалпоғистон область партия комитети, автоном республика Министрлар Совети чорвачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам қўлга киритилган зафарлар қувонарлидир. Гўшт, сут, тухум, жун, қоракўл тери, пилла, сабзавот, полиз, мева, узум тайёрлаш бўйича беш йиллик ва якунловчи йилнинг план ҳамда топшириқлари ошириб ado этилди.

Янги беш йилликнинг дастлабки йилида амалга оширадиган ишларимиз янада улкан. Енбошқалъа, Қумбосган, Элликқалъа массивларини, Тахтакўпир, Қораўзак ерларини ўзлаштириш тезкорлик билан олиб борилади. Янги ерларни ўзлаштириш ҳамда ҳосилдорликни ошириш ҳисобига 1981 йилда 500 минг тонна пахта, 500 минг тонна шоли етиштирилади.

Автоном республика пахтакорлари социалистик мажбуриятларини бажарган бўлсалар ҳам йиғим-терими уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар. Биз она-Ватанга яна 45 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Қ. КАМОЛОВ,
Ўзбекистон КП Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари.

КОМПЛЕКС ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

ТЕХНИКА ШАРОФАТИ

Хўжалигимизда техникадан унумли фойдаланилмоқда. Шунинг учун ҳам ўнинчи беш йилликда белгиланган пахта тайёрлаш план ва топшириқлари тўрт йилда бажарилди. Йўлдош Шўлохов, Тожибой Болтабоев, Йўлдош Янгибоев, Султон Собиров ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг аъзоматлари районда биринчи бўлиб, ўнинчи беш йиллик учун белгиланган пахта тайёрлаш планларини уч ярим йилда бажаришга муваффақ бўлдилар. Бу йил шу бригадаларда ҳар гектар майдондан 55—65 центнердан хирмон кўтарилди.

Хўжалигимиздаги ҳамма бригадаларда пахта йиғим-терими ипатоволиклар методи асосида ташкил этилди. Далаларимизда 4 та терим-транспорт отряди юксак унум билан ишлади. 17 та пахта териш агрегатига 34 та механик-ҳайдовчи бириктирилди. Шундай қилиб, терим машиналарининг икки сменада ишлаши таъминланди. Файзулла Тўлепов, Шукрулло Жумамуродов, Жумабой Нуримбетов каби механик-ҳайдовчиларимиз ҳозиргача 280—300 тоннадан ошириб пахта териб беришди. Мен ўзим эса шу кунгача 300 тоннадан кўпроқ пахта териб беришга муваффақ бўлдим. Терим авж олган кунларда ҳар сменада 16—18 тоннадан пахта теришга эришдим. Шу кунларда ҳам пахта йиғим-теримида фаол қатнашаётирмиз.

Съездларолди умумхалқ социалистик мусобақасида колхозимиз механизаторлари ҳамон пешқадамлик қилишмоқда. Минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача пландаги 37,3 центнер ўрнига 46 центнердан хирмон кўтардик. Яна гектаридан 4 центнердан ҳосил олиб, 50 центнерлик маррани эгаллашга, шундай қилиб, она-Ватанга 5 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга қарор қилганмиз.

Болтабика ОТАЛИЕВА,
Амударё районидаги «Партия XXII съезди» колхози механик-ҳайдовчиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Пахта йиғим-терими юксак суръатда олиб бориш, юқори иш сифатига ва самарадорлигига эришиш йўлида социалистик мусобақанинг роли катта бўлди. Пахтакор ва механизаторлар моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилди. Мусобақа ғолибларига ҳар беш кунда Қизил байроқлар ва пул мукофотлари топширилди. Суратда: Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари Т. Сафарбоев хўжалик механизатори М. Избосарованга кўчма вимпел тақдим этмоқда. М. Избосарованинг бу йил терган пахтаси 250 тоннадан ошиб кетди.

Бир йилда икки план

Хўжалигимиз автоном республикасининг шимолида жойлашган бўлиб, бир вақтлар бу ерда пахтачиликни ривожлантириш мумкин эмас деб юрган кишилар ҳам учраб турарди. Пахтакорларимиз бу нотўғри фикрни пучга чиқардилар. Бизда гектаридан 50 центнергача пахта ҳосили етиштирган коллективлар юзага келди. Бригадамиз ана шулар жумласидандир. Ўтган йили ҳосилдорлик бўйича юқори кўрсаткичга эришдик. Ҳар гектар ердан 60 центнердан пахта хирмони кўтарилди.

Бу йил бригадамиз аъзолари 50 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. Йил бошидан 60 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилдик. Ғўза парвариши шунга яраша олиб борилди. Уйсин Изгледов, Ганн Наврўзбоев каби механизаторларимиз ғўза парваришида фаол қатнашиш билан бир қаторда пахта йиғим-теримида ҳам чиғакам жасорат кўрсатишди. Уларнинг ҳар бири шу кунгача 220—250 тоннадан ошириб пахта терди. Қўл теримда бригадамизнинг пешқадам ишчиларидан Ш. Наврўзбоева, Д. Қулбоева, Н. Екибоевалар айниқса фаоллик кўрсатишди. Уларнинг ҳар бири кунига 120 килограммгача пахта териб топширдилар.

Кўзланган марра эгалланди. Ота-Ватан бригадамиз пахтакорларидан 300 тоннадан зиёд «оқ олтин» қабул қилиб олди. Бу — икки йиллик пландан ҳам ортиқдир.

Биз, пахтанинг сўнгги килограммларигача йиғим-териб олиб, ҳосилдорликни 65 центнерга етказамиз.

Ж. НИСАНОВ,
Шуманай районидаги Гагарин номли совхоз бригада бошлиғи.

МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ҲОСИЛ

Пахта меҳнатни, меҳнатсеварни ёқтиради. Кимки чин кўнгилдан меҳнат қилса, ҳар туп ғўзани асраб-авайлаб парваришласа кўзлаган мақсадига эришади. Бўлимимиз пахтакорлари ана шундай қилишмоқда. Шунинг учун ҳам зиммага олинган юксак мажбуриятимиз ҳар доим шараф билан ado этиб келинади.

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида хўжалигимиздаги ҳамма бўлимлар ва бригадаларда мисли кўрилмаган мўл ҳосил етиштирилди. Пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан ўтказилиб, шу кунгача она-Ватанга салкам 10 минг тонна «оқ олтин» топширишга эришдик. Унинг 75 процентдан кўпроғи машиналар билан териб олинди.

Мен рақбарлик қилаётган бўлим коллективи ҳам совхознинг катта хирмонига муносиб ҳисса қўшди. Камол Собиров, Ашраф Наримов, Иброҳим Қўжанов, Ражаб Абдуллаев, Олим Худиков бошлиқ бригадалар ҳосилдорликда юқори кўрсаткичларга эришиб, донг тараттдилар. Совхозда биринчилар қаторида халқ хўжалик планини бажарган бу коллективлар гектаридан 37—40 центнердан ҳосил кўтаришди. Ҳозир ҳам бу бригадаларда пахта терими уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Бўлимимиз пахтазорларида 6 та терим агрегати икки сменада унумли ишлатилди, 12 та механизатор ўзаро мусобақалашиб ишлади. Беллашувда Камол Ерназаров, Мадад Ҳайитбоев, Давлатбой Ҳайитбоев, Давлатбой Абдуллаев, Мақсуд Юсуповлар ғолиб чиқишди. Бу ўртоқлар 250—300 тоннадан пахта тердилар.

Хўжалигимизда қўл теримига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Мавсумда қўллаб чевар теримчилар 10 тонна ва ундан ошириб пахта териб беришга муваффақ бўлишди.

Социалистик мажбуриятимизни бажарганимизга қарамай биз пахта йиғим-терими жадал давом эттирямиз. Якунловчи йилда 270 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтаришга қарор қилганмиз. Бу маррани, албатта, эгаллаймиз.

Р. ЕРЖОНОВ,
Беруний районидаги Беруний номли совхозининг «Комсомол» бўлими бошқарувчиси.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

*** Автоном республикада ўнинчи беш йилликда 1 миллион 931 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» тайёрланди. Бу пландагидан салкам 80 минг тонна кўпдир.**

*** «Зангори кема» капитанлари ялпи ҳосилнинг 67 процентини агрегатлар бункеридан тўкиб, хирмонга барака киритдилар.**

*** Пахта далаларида 3 мингта терим агрегати икки сменада юксак унумларда ишлатилди.**

*** Шоликорлар ўнинчи беш йилликда тайёрлов пунктларига 930 минг тонна «қирмизи дон» етказиб беришди. Бу тўққизинчи беш йиллиқдагидан икки баравар кўпдир.**

*** Миришкор деҳқонлар шаҳарликлар дастурхонига 40228 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бериб, йиллик планни ортиғи билан ado этдилар.**

*** Қорақалпоғистон АССРда қовун-тарвуздан ҳар қачонгидан кўпроқ ҳосил етиштирилди. Саноат марказларига, меҳнаткашлар дастурхонига 42427 тонна полиз маҳсулотлари етказиб берилди. Бу пландагидан 8427 тонна кўпдир.**

ҚОЛОҚЛИКДАН ИЛҒОРЛИККА

1969 йилнинг кеч кузи Ўмирбой Бўроновнинг ёдидан сира чиқмайди. Кутилмаганда уни колхоздаги энг қолоқ бригадага бошлиқ қилиб тайинлашди.

— Сенга ишонамиз, — дейишди бригада аъзолари. Сендақа ғайратли киши бизга рақбарлик қилмаса, бригадамиз қолоқлигича қолиб кетаверадиганга ўхшайди.

— Ишончларингизни оқласам бас, — жавоб қилди Ўмирбой Бўронов.

Бригада аъзолари ишни ерни чуқур ҳайдашдан бошлашди. Далаларга кўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Эрта баҳорда ерга ташланган чиғит эса тўлиқ ундириб олинди, ниҳоллар меҳр билан парвариш қилинди. Колхоздаги пешқадам бригадалар тажрибаларидан унумли фойдаланилди. Шундай қилиб дастлабки йилнинг ўзида бригадада ҳосилдорлик анча кўтарилди, гектаридан 27 центнердан пахта йиғиб-териб олишга эришилди. Барибир бу колхознинг ўртача кўрсаткичидан анча паст эди.

Бригада аъзолари аҳиллик билан меҳнат қилиб, шундан кейинги йилда ҳосилдорликни қарийб 11 центнерга оширишга муваффақ бўлдилар. 1976 йилда эса гектаридан 40 центнердан хирмон кўтарилди. Қолоқликдан илғорлар сафига чиқиб олган коллектив 1979 йилда, айниқса, катта шуҳрат қозонди. Пахта ҳосилдорлиги 55 центнерга етказилди.

— Ўмирбой Бўронов рақбарлик қилаётган бригада, — деди биз билан суҳбатда колхоз раиси Жумамурод Ражабов, — тажриба мактабига айланди. Эндиликда чигит экиш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, суғориш бўйича улар тўплаган тажриба ҳамма бригадаларимизда кенг қўлланилмоқда. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу машъал коллектив Хўжайли районида биринчи бўлиб 70 центнерчилик ҳаракатини бошлаб берди. Йиғим-терим ишларини уюшқоқлик билан олиб бораётган бригада меҳнаткашлари қозиргача гектаридан 64 центнердан хирмон кўтаришга муваффақ бўлишди. Улар 70 центнерлик маррани, албатта, эгаллайдилар.

Биз Ўмирбой Бўроновни пахтазорда учратдик. У «зангори кема»сини моҳирлик билан бошқариб, «оқ олтин»ни тераётган экан. Унинг шу кунгача терган пахтаси 300 тоннадан ошиб кетибди. Бригада механизаторларидан Мақсуд Эшчонов, Собир Абдуллаевлар ҳам яхши натижаларга эришишдилар.

Хўжайли районидаги Энгельс номли колхозда бундай пешқадам бригадалар оз эмас. Ҳожи Қурбонов, Ўтамурод Нуримбетов, Тўлибой Қўчқоров ўртоқлар рақбарлик қилаётган коллективларда ҳар гектар майдондан 55—60 центнердан ошириб ҳосил олинди.

Колхоз азаматлари якунловчи йилда 715 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта ҳосили олиб, ялпи хирмонни 3560 тоннадан оширишга қарор қилишди. Яқин кунлар ичида бу вазифа ҳам шараф билан ado этилади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Қорақалпоқ диёрида мўл ҳосил усталари жуда кўп. Улар ўнинчи беш йиллигининг якунловчи йилида ҳам юқори ҳосил олиб, улкан ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Суратларда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, Беруний районидаги «Правда» колхози бригадири Р. Бекниёзов, Шуманай районидаги «Шуманай» совхоз-техникуми бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Сариев, Қўнғирот районидаги «Қўнғирот» совхози бўлим бошқарувчиси О. Қодирбоев, Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган механизатор, Ленинобод районидаги Свердлов номли совхоз бригадири С. Бекжонова, Амударё районидаги Крупская номли колхоз бригадири К. Камолов ўртоқлар.

Р. Сандов фотолари.

Ҳосилдорлик 55 центнерга етади

Ўнинчи беш йиллик учун белгиланган пахта тайёрлаш плани ва топшириқлари ошириб бажарилди. Якунловчи йилда 1420 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 41,8 центнер ўрнига 50 центнердан ошириб пахта ҳосили олишга эришилди. Ялпи хирмонимиз 7100 тоннадан кўпроқни ташкил этди. Унинг салкам 80 процентини машиналар билан териб олдик.

Колхозимизда биринчи марта 70 центнерчилик ҳаракати бошланди. Тажрибали пахтакор Сапар Сегдиев бошлиқ бригада коллективи шундай ташаббус билан чиқди. Орадан кўп ўтмай Исо Шеров, Раҳмон Жангисбоев, Шермамат Ҳожиев ўртоқлар рақбарлик қилаётган бригадалар ҳам ташаббусга қўшилишди. Ҳозиргача ана шу бригадалар ҳар гектар майдондан 55—60 центнердан пахта ҳосили олишга муваффақ бўлдилар. 70 центнерлик марра эса яқин кунларда эгалланади.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ҳозиргача бунёд этилган пахта хирмонимизнинг 4 минг тоннаси машиналар бункеридан тўкилди. Далаларимизда 17 та терим агрегати ипатоволиклар методи асосида ишлатилди. Очил Мамбетов, Сейил Шеров, Бекжон Хўжаев, Қурбон Шоқиличев каби моҳир механизаторларимиз эл хирмонига 260—300 тоннадан пахта тўкдилар.

Хўжалигимизда кўпминг килограммчилик ҳаракати ҳам авж олдирилди. Бу ҳаракатга 450 дан зиёд теримчи қўшилди. Сафаргул Шарипова, Ўрол Ешбоева, Ободон Ўрозова, Сафаргул Отабоева сингари кўплаб чеварлар ҳозиргача 8—12 тоннадан ошириб «оқ олтин» териб беришди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг даъватқор Муроожаатига яқдиллик билан қўшилиб, меҳнат қилаётган колхозчиларимиз «оқ олтин»нинг сўнгги граммларигача йиғиштириб олишга шайланишган.

Далаларимизда ҳали ҳосил кўп. Ҳар гектар ердан яна 5 центнердан дурдона йиғиштириб олиб, ҳосилдорликни 55 центнерга, ялпи хирмонни эса 7810 тоннага етказамиз.

Қ. БОЙНАЗАРОВ,
Элликқалъа районидаги Калинин номли колхоз раиси.

Марра—5600 тонна

Ҳамма ерда бўлганидек, хўжалигимиз меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб совғалар билан кутиб олишга астойдил бел боғладилар. Ишчилар, механизаторлар, бригадаларароо социалистик мусобақа кенг қулоч ёзди. Ана шунинг натижасида ўнинчи беш йиллик учун белгиланган план ва топшириқларни ошириб ado этишга муваффақ бўлдик. Беш йиллик давомида она-Ватанга пландаги 16275 тонна ўрнига 20 минг 800 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб бердик.

Биз пахта йиғим-терими давриди синовдан ўтган ипатоволиклар методига қатъий амал қилган ҳолда иш тутдик. Ҳар бир агрегатнинг икки сменада унумли ишлаши таъминланди. Шуни ҳам мамнуният билан айтиб ўтамизки, совхозимиздаги ҳар икки кишининг биттаси механизаторлик касбини пухта эгаллаб олган. Бу деярли ҳамма ишларни механизация ёрдамида амалга ошириш имкониятини бермоқда.

Энди бу йил пахтачиликда эришган муваффақиятларимиз ҳақида қисқача сўзлаб ўтай. 1260 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта ҳосили йиғиб-териб олишга эришдик. 4 минг тонналик улкан хирмоннинг 3 минг тоннадан кўпроғи машиналар билан териб олинди. 4 октябрдаёқ шундай зафар чўққисини эгаллаган коллективимиз йиғим-теримни жадал давом эттирди. Шундай қилиб, ҳар гектар ердан яна 12 центнердан пахта ҳосили олишга эришдик. Ялпи ҳосил эса 5200 тоннадан ошди.

У. Назаров, Г. Тайлоқов, С. Назаров, М. Аржонов ўртоқлар рақбарлик қилаётган бўлимларда айниқса мўл ҳосил етиштирилди. Тажрибакор пахтакорлардан И. Удеқиличев, М. Юсупов, Қ. Тайлоқов, Н. Олламов, Я. Дурдиев, К. Беглиевлар рақбарлик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 45—50 центнердан ошди.

Автоном республикамиз пахтакорлари улкан ғалабани қўлга киритган шу кунларда хўжалигимизнинг донгдор механизаторлари номини ҳурмат билан тилга олиб ўтамиз. К. Мамедов, А. Қораева, Н. Ғайлиев, Т. Жумашев, А. Аразқиличев, К. Жумадурдиев каби дала гвардиячиларимиз мавсумда ўз агрегатлари билан 250—300 тоннадан ошириб пахта териб беришди.

Биз бу йилги ялпи пахта хирмонини 5600 тоннага етказишга қарор қилганмиз. Бу бизнинг КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига тухфамиз бўлади.

У. МАТНЕПЕСОВ,
Тўрткўл районидаги «Ленинизм» совхози директори, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

ЖАСУР КОМСОМОЛ ҚИЗГА

Жасур комсомол қиз Надежда Курченконинг Ватани— Олтойдаги Новополтава қишлоғида совет пассажир самолётини бандитлар ҳужумидан ҳимоя этишда қаҳрамонона ҳалок бўлган шу стюардесса қизга ҳайкал очилди.

Қишлоқ марказида — Надя ўқиган мактаб олдидаги майдонда қаҳрамон қизнинг баланд ҳайкали кўтарилди. Мемориал унинг самолётда қилган қаҳрамонона жасорати эпизодларини акс эттирган.

Н. Курченконинг жасорати инсон қалбида абадий қолади, комсомоллар ва ёшларнинг ишларида давом эттирилади, дейишди бу ерда бўлган митинг қатнашчилари. Йиғилиш аҳли комсомол қизнинг онаси Г. И. Курченконинг сўзларини ҳаяжон билан тингланди.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ЖАМБУЛ. Қизилқумнинг жанубий-шарқий чеккасидаги янги маккажўхори майдонлари зонаси барпо этилган массивларда чўлқуварлар мўл ҳосил етиштирдилар. Муйинқум райони деҳқонлари маккажўхори ўрим-йиғимини муддатидан ўн кун илгари тугаллаб, КПСС XXVI съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Улар давлатга саккиз минг тоннадан зиёд маккажўхори сотдилар. Хўжаликларда маккажўхори индустриал технология асосида парвариш қилинди. Бу борада юксак агротехникадан фойдаланилганлиги, органик ва минерал ўғитлар моҳирлик билан қўлланилганлиги ҳам муваффақият гарови бўлди. Область маккажўхорикорлари бу йилги ўрим-йиғимни мавсуми бошланганидан бери Ватан омборларига ғландагидан анча кўп дон топширдилар.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

СЕМИПАЛАТИНСК. Область маркази яқинида қад кўтарётган теплица комбинати шаҳарликларга бутун йил давомида янги сабзавот етказиб берадиган бўлади. Яқинда комбинатнинг биринчи навбати фойдаланиш учун қабул қилинди, яна тўртта теплицанинг корпуслари қурилмоқда. Ача шу корпуслар қурилиши ниҳоясига етгандан кейин теплица майдони уч баравар кўпаяди. Комбинат йил сайин магазинларга икки минг икки юз тоннадан кўпроқ бодринг, помидор, пиёз, редиска ва бошқа витаминли маҳсулотлар етказиб берадиган бўлади.

(ТАСС).

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

ШУ КУННИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Нурмамат аканинг идорага ариза кўтариб келишини ҳеч ким кутмаганди.

— Ҳар ким ҳам қўлидан келадиган ишни қилсин экан, раис, — деди у Тўхташ акага ярим варақ қоғозга ёзилган аризасини узатаркан, — Боғбон эдим, рухсат берсанглар боғимга қайтсам.

Раис дам қўлидаги қоғозга, дам қаршисида кўзини ердан узмай ўтирган Нурмамат акага қарарди. Ҳеч нарса тушунмай, елка қисиб «бу гаплардан хабаринг борми?» дегандай партком секретари Исоқул Абдиевга қаради.

— Умрим боғда ўтгани учун пахта менга оғирлик қилди. Ўтган йили гапларингни икки қилмай, даштдаги бригадани қабул қилиб олгандим. Даставвал пахтачилик осондек туюлуди, бемалол ишлаб кетарман, дегандим. Йўқ, янглишган эканман, пахта ўзи енгил бўлгани билан меҳнати оғир экан, ҳосилдорлик камайди, 18 центнерда қолдим, —гапида давом этди Нурмамат ака.

Раис унинг гапини бўлмай, жимгина эшитди. Нурмамат аканинг бундай қарорга келишдан олдин ҳамма нарсани тарозига солиб, кўп мушоҳада қилганини, ўз ихтиёри билан ариза ёзиш унга осон бўлмаганини англади. Аслида даштдаги бу бригада гарчи ҳосилдорликда ўтириб қолган бўлса ҳам, правление бригадирни ўзгартирмоқчи эмасди. Негаки, даштнинг ери — янги ер, бир-икки йилда кучга кириб кетиши қийин. Шуни эътиборга олиб партия ташкилоти билан биргаликда Нурмамат акаларга ёрдам беришни режалаб қўйишганди. Энди эса бригадир «мени бўшатинглар, ўрнимга бошқа тажрибалироқ одамни қўйинглар», деб ўтирибди.

— Масалан, кимни қўйишимиз мумкин? — Исоқул Абдиев бригадирдан сўради. — Ўзингиз кимни таклиф қилмоқчисиз?

Нурмамат ака партком секретарига ўгирилди.

— Ўрнимгами? Агар сизлар қарши бўлмасанглар Болиқул бригадир бўлсин демоқчийдим. Ўзи эсли-хушли, пахтанинг ичида катта бўлган механизатор йигит. Бинойидай эплаб кетишига ишончим комил. Мени эса... мени ҳам Бештарамда қолдиришингларни илтимос қиламан. Ҳа, бригададан кетганим билан даштдан кетмоқчи эмасман. Шу ерда ўз қўлларим билан боғ қилсам, мева, сабзавот етиштирсам деган режам бор.

— Омон бўлинг-е Нурмамат ака, гапни узоқдан даромад қилмай, лўндасини айтиб қўя қолмайсизми, — Тўхташ ака ўрнидан туриб келиб Нурмамат аканинг елкасига қоқди. — Бўпти бўпти, бу ёғига мен билан Исоқул рози. Қолганини эса правлениеда гаплашиб оламиз.

* * *

Болиқул ҳали янги лавозимга кўникиб улгурганича йўқ эди, Бештарамга Тўхташ ака Нарзуллаев келиб қолди.

— Ҳа, йигит, даланинг ўртасида туриб олиб нималарни чамалаяпсан, — кулиб сўради у бригаданинг янги бошлиғи билан кўришаркан. — Ё экишни қачон бошласак экан, деб ўйлаяпсанми?

— Экишга эрта-индин киришсак ҳам бўлаверади, раис бува, — Болиқул кўпчиб ётган тупроқдан бир сиқимини олиб бармоқлари билан эзғилади.—Кўряпсанми, ер етилган, чигит сўраяпти. Чизел билан молани эртага далага туширмоқчиман. Сеялкани эса...

Икковлашиб чигит экишнинг миридан-сиригача гаплашиб олишди. Сўнгра раис бошқа мавзуга кўчди.

— Бригадангга бир юмуш билан келгандим. Сабзавот билан полизда одам кам. Буни ўзинг яхши биласан. Правление аъзолари билан маслаҳатлашиб сизлардан олти кишини олиб ўшаларга беришга қарор қилдик. Ўзинг Нуриддин, Абдуҳаҳад билан уч киши механизаторсизлар. Бригадани бемалол эплаб кетишингиз мумкин.

Тўхташ ака бу гап бригадирда қандай таассурот қолдирганини билиш учун унга зимдан тикилди.

— Бутун бир бригадада битта оила аъзолари қоларкамиз-да, — Болиқул ўйланқираб деди. — Бу ёғи қандай бўларкин?

— Қайтанга дуруст бўлади. Бригада аъзоларининг масъулияти ошиб, моддий манфаатдорлиги ҳам яхшиланади. Правление ҳам бир чеккада қараб турмайди, техника десанг, техникадан, ўғит десанг ўғитдан ёрдам бериб туради.

Раиснинг бу таклифи Болиқулнинг ўйлаб юрган режалари амалга ошишига сабаб бўладиган бир туртки бўлиши мумкин эди. У бир вақтлар кўнглида тугиб юрган мақсадининг бир учини Нурмамат Улжаевга ҳам чиқарганди: 70 гектар ернинг ҳаммаси бир карта, техникабоп, қўл меҳнатидан бутунлай воз кечиб, механизация зиммасига юкланса қандай бўларкин? Чигит экишдан ғўза парвариши-ю, пахта йиғим-теримигача ҳамма ишни тўрт механизатор билан беш-олти сувчи бемалол эплаб кетаверади.

Бригадир режаларини раисга бир бошдан гапириб берди. Тўхташ ака пайкал четига чўккалаб ўтирганича уни диққат билан эшитди. Эсини таниганидан бери пахта даласида ишлаб, пахтачилик илмини сув қилиб ичиб юборган бу йигитни бригада бошлиғи қилиб тайинлаб янглишилмаганлигига шу топда тўла ишонч ҳосил қилди. Унинг таклифлари, ҳисоб-китоблари жуда ўринли, муҳими, бошқа бригадалар учун ҳам ибрат бўлиши мумкин эди...

* * *

Ўша биринчи йилиёқ Болиқулнинг бошига бахт қуши қўнди. Бунга унинг ўзи ташаббус кўрсатиб амалга оширган янгилик сабаб бўлди. Комплекс механизация бригадада ҳосилдорликни оширишгагина эмас, энг арзон пахта етиштириш имконини ҳам берди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил тўрт йил аввалги 18 центнердан ўтган йили 36,2 центнерга етди. Ҳар бир центнер пахтанинг таннархи 23 сўм 11 тийинга тушди. Аммо, бу ҳали Болиқул даштда амалга ошираётган ташаббуснинг дастлабки нишоналари эди, холос.

...Беш йилликнинг сўнгги йили ҳосили кутилганидан юқори бўлди: ғўзаларнинг пойидан учигача шиғил-шиғил қўсак, лўппи пахта. Сув тиниқиб, салқин шабада эса бошлаган кунларда Болиқул бригада аъзоларини бир ерга тўплаб суҳбатлашди.

— 74 гектар ғўзанинг барги тўкилиб бўлди. Пахта терим кутяпти, — деди у, — таклифим шуки, бу йил ҳам юз фойиз ҳосилни машиналар билан териб олсак. Илгари бошқа бригадалардан ёрдамчи механизаторлар келиб, кўмаклашишарди. Уларни бу йил ҳам таклиф қиламизми ёки ўзимиз эплаймизми?

Нуриддин Равшанов ҳамманинг кўнглидаги гапни лўнда қилиб айтиб қўяқолди:

— Бригаданинг тўртта тўрт қаторли терим машинаси бор. Теримни ўзимиз эплаймиз. Ўнғайи келганида эса бошқа бригадаларга ҳам ўтиб ёрдам берамиз.

Йиғилиш узоққа чўзилди. Ҳар кимнинг мавсум давомида қиладиган ишлари ипқ-чиқиригача ҳисоблаб чиқилди. Болиқул Рустамов, Нуриддин Равшанов, Абдуҳаҳад Пакиев, Суннат Раҳимовларнинг ҳар бири тўрт қаторли машиналарни бошқарадиган, Юсуф Рустамов тракторига учта тележка тақиб пахтани пунктга ташиб берадиган бўлди. Алиқул ва Саноқул Рустамовларга терим машиналарини ишга тайёрлаш, шпинделларни тозалаб туриш топширилди. Тўрақул, Қаҳрамон, Истам Хотира, Момогул ва Хосиятлар эса дала четлари, ўқариқларни тозалайдиган, тўкилган пахтани териб оладиган бўлишди.

Орадан уч кун ўтди. Калинин номли колхоз раиси Тўхташ ака Нарзуллаев правлениега хушхабар олиб келди:

—Болиқул Рустамов бошлиқ бригада йиллик пахта тайёрлаш планини бажариб, ҳар гектар ердан 31,4 центнердан ҳосил топширдик, — деди у қувонч билан.

Ҳар бир центнер пахтанинг таннархи салкам 19 сўмданга тушибди. Бу колхоздагина эмас, бутун районда энг арзон пахта эди. Чўлқуварлар партия XXVI съезди шарафига беш йилликнинг сўнгги йилини гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш билан якунлаймиз, деб қарор қилишди.

Шу куни даштда тўй бўлиб кетди. Ғолибларни табриклашди. Ҳамманинг эсида сақланиб қоладиган яна бир воқеа — Нурмамат ака Улжаевнинг машинага мевачева юклаб табрикка келгани бўлди:

— Сўзимнинг устидан чиқдим,—деди у тўпланганларга. — Даштда 10 гектарлик боғ қилдим, 14 минг туп ток бу йил нишона берди. Биринчи ҳосилга биринчи бўлиб ғолибларнинг оғзи тегсин. Ҳа, интилганга ҳар доим толе ёр бўлавераркан.

Ҳа, интилганга толе ёр, Болиқул Рустамов бошлиқ комплекс механизациялашган бригада толеидаги ана шу бахтни ҳар доим янгилик сари интилганидан, ҳалол меҳнатидан топди. Халқимиздаги роҳат ҳам, қадр-қиммат ҳам ҳалол меҳнатдан келади, деган гапнинг маъноси ана шу-да.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
Хатирчи райони.

Суратда: колхоз раиси Т. Нарзуллаев Б. Рустамов бошлиқ бригада аъзоларига кўмма Қизил байроқ топширмоқда.

А. Тўраев фотоси.

«УРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИГА САДОҚАТ

ДАЛАЛАР САХОВАТИ РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча пойтахтимиз бозорларида республикамиз областларининг колхоз ва совхозларида етиштирилган сабзавот ва мевалар анъанавий ярмаркаси очилди.

— Ҳар байрам арафасида ташкил этиладиган бундай анъанавий ярмаркалар тошкентликларга ғоят манзур бўляпти, — дейди Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармаси бошлиғи ўртоқ А. Қобилжонов, — Бундай ярмаркалар пойтахтнинг ўндан ортиқ жойларида ташкил этилди. Шаҳар аҳли минг-минглаб тонна полиз ва сабзавот экинлари, қуруқ ва хўл мевалар, гўшт сингари бошқа маҳсулотлар харид қилмоқда. Жумладан, Бухоро областидан келтирилган дала неъматлари тўқимачилик комбинати ёнида, Хоразм областидан олиб келинган сабзавот ва мевалар Тошкент трактор заводи қошида, самарқандликлар саховати Фарҳод бозори олдида кенг сотилмоқда. Тошкент области деҳқонлари ва соҳибқорлари тайёрлаган неъматлар Дзержинский номли майдонда харидорлар томонидан қизғин кутиб олинмоқда.

Ярмаркаларни айланамиз. Далалар саховати билан бири-биридан чиройли қилиб безатилган павильонлар кўзни қувонтиради. Машиналар хўжаликлардан сабзавот ва меваларни пешма-пеш ташиб, етказиб турибди. Харидорлар севинчининг чеки йўқ.

— Ҳар байрам арафасида ана шундай ярмаркаларнинг ташкил этилиши дала меҳнаткашлари билан шаҳарлик биродарларимизнинг иттифоқини янада мустаҳкамлайди, — дейди Қорақамиш массивида ташкил этилган савдо ярмаркасида хизмат кўрсатаётган сурхондарёлик савдо ходимлари номидан область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳ. Бердиев, — бу йил биз 748 тонна ўрнига 1310 тонна сабзавот ва мева маҳсулотлари келтирдик. Улар орасида бошқа областлардан келтирилган маҳсулотлардан фарқ қилувчи: унаби, хурмо, лимон, Дашнобод анори сингари тансиқ мевалар бор. Шаҳарлик биродарларимизга беш кун давомида олиб келган ана шу сабзавот ва мева маҳсулотларимизни тезу соз сотишни намунали йўлга қўйиш учун астойдил ҳаракат қиламиз. Савдо ярмаркалари ишини ташкил этишдаги областлараро мусобақада ҳар галгидек фахрли ўринлардан бирини эгаллашга бел боғлаганмиз. Пойтахт аҳлини республикамизнинг барча дала меҳнаткашлари номидан Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги билан қизғин қутлаймиз.

Байрам арафасида шаҳарлик дўстлари дастурхонини тўкин-сочин қилиб, уларнинг кўнглини топишга, қалбларига севинч ва шодлик бағишлашга азм айлаган дала соҳиблари, қўлингиз дард кўрмасин!

Н. САЪДУЛЛАЕВ,
Ҳ. СУЛТОНОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
1980—81 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ПЕДАГОГИКА-ПСИХОЛОГИЯ, РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, ДЕФЕКТОЛОГИЯ, СУРДОПЕДАГОГИКА, БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ.

Тайёрлов бўлимига тўлиқ ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафларидан хизмат қилиб қайтган ёшлар саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, кон-қидирув ташкилотлари, совхозлар, колхозлар ва ҳарбий қисмларнинг йўлланмалари асосида қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар ўрта мактабни битиргач, йўлланма берган корхонада камида бир йил узлуксиз ишлаган бўлишлари лозим.

Тайёрлов бўлимига суҳбат ўтказиш йўли билан қабул қилинади. Тингловчиларга 40 сўм ҳажмида стипендия тўлаб борилади, Зарурат сезганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тайёрлов бўлимини тугатган ва битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар институтнинг 1 курсига конкурссиз қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига йўлланма билан юборилганлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ректор номига ариза, иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, медицина справкаси (286-форма), 6 та фотосурат (3х4 см.).

Ҳужжатлар 10 ноябргача қабул қилинади.

Суҳбат — 11 ноябрдан 20 ноябргача; машғулотлар 1 декабрдан бошланади; ўқиш муддати — 8 ой.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Педагогика кўчаси, 103-уй, қабул комиссияси.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
1980 йил учун
АСПИРАНТУРАГА
қуйидаги ихтисослар бўйича
ҚУШИМЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги: сабзавотчилик, мевачилик (тутчилик);
сиртқи: мелиорация ва суғориладиган деҳқончилик.

Аспирантурага кирувчилар қуйидаги кириш имтиҳонларини топширадилар: ихтисослик бўйича, КПСС тарихи ва чет тилларнинг биридан (олий ўқув юртлари программаси ҳажмида).

Ректор номига ёзилган аризага яна қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: нотариус тасдиқлаган диплом нусхаси (баҳо ведомостидан кўчирма билан), сўнгги иш жойидан характеристика, 4 та фотосурат (4х6 см.) билан кадрларни ҳисоба олиш шахсий варақаси, автобиография, босилиб чиққан ишлар рўйхати ёки реферат, меҳнат дафтарчасининг нусхаси (иш жойида тасдиқланган), саломатлиги ҳақида справка (286-форма).

Ҳужжатлар 10 ноябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 15 ноябрдан 15 декабргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700183, Тошкент-183, аспирантура бўлими. Телефон: 62-02-02.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Шимпанзелар цирки» аттракционининг гастроллари (13.00, 16.00, 19.30).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/XI да **Нодирабегим.** (12.00), **Ғаройиблар** (19.30), 4/XI да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/XI да **Ур, тўқмоқ** (16.00), **Тўйдан олдин томоша** (19.30), 3/XI да **Олифта.**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: ҳисоблаш математикаси (2 ўрин), химиявий технология аппаратлари ва жараёнлари ва луб толаларини қайта ишлаш;
катта ўқитувчилар: сиёсий иқтисод, жисмоний тарбия;
ассистентлар: рус тили, материаллар қаршилиги, иқтисод, тўқимачилик саноати корхоналарида планлаштириш ва уни ташкил этиш, жисмоний тарбия (2), тикувчилик ишлаб чиқариши технологияси (2).

МАРҒИЛОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА
мудир: умумтехника фанлари;
доцентлар: назарий механика, машина ва механизмлар назарияси;
катта ўқитувчи: чизмачилик.

НАМАНГАН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА
доцент: физика.

Конкурс муддати — 12 ноябргача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, Горбунов кўчаси, 5-уй, 7-хона.

НОЯБРЬ ОБ-ҲАВОСИ

Ноябрь ойини синоптиклар кузнинг охири, қишнинг боши дейишади. Одатда бу ойда ҳаво тез-тез ўзгариб турса-да, иссиқ келади. Бу йил ноябрь ойининг ўртача ҳарорати октябрь ойига нисбатан 6—7 даража паст бўлади. Ноябрнинг кўпчилик кунлари ҳарорат кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража иссиқ атрофида, айрим кунлари эса 7—12 даража иссиқ бўлади. Кундузи ҳарорат 10—15, 15—20 даражагача кўтарилади. Республиканинг жанубий районларида 23—25 даража иссиқ бўлади.

Учинчи ўн кунликка келиб, ҳарорат бир оз пасаяди. Кечаси 5—10, Устюртда 8—13 даража совуқ, кундузи 0—5 даража иссиқ, бошқа жойларда кечаси 0—5 даража совуқ, кундузи 5—10 даража иссиқ бўлади.

Биринчи ва иккинчи ўн кунликда ёғингарчилик бўлиши, айрим кунларда туман тушиши кутилади. Бухоро областининг шимолий районлари ва республиканинг жанубида айрим кунлари секундига 12—17 метр тезликда шамол эсади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МЕҲНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ 1980 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

1980 йил 7 ноябрда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги шарафига В. И. Ленин номли майдонда Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради ва Тошкент шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг намойиши бўлади.

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради соат 10 да бошланади. Намойишда қатнашадиган меҳнаткашлар вакиллари корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бўйича йиғилиш пунктларида тўпланадилар ва белгиланган маршрут бўйича район колонналари составида В. И. Ленин номли майдонга борадилар.

Таклиф билетлари билан В. И. Ленин номли майдонга қўйиш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади.

Махсус пропускага эга бўлган автомашиналардан ташқари барча турдаги транспорт ҳаракати шаҳарнинг марказий қисмида — Навоий, Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Ш. Руставели, Ўзбекистон кўчалари, В. И. Ленин номли проспектда соат 7 да тўхатилади ва меҳнаткашлар намойиши тугагандан сўнг қайта йўлга қўйилади.

Тошкент метрополитени 7 ноябрь куни эрталаб соат 6 дан кечаси 2 гача ишлайди. Соат 8 дан 2 гача «Пахтакор» ва Октябрь революцияси номли станцияларнинг фақат «чиқиш» қисми ишлайди. Бу вақтда В. И. Ленин номли майдон станцияси ёпиқ туради.

ШАҲАР КОМИССИЯСИ.

СОВХОЗ ДАЛАСИДА РОБОТ

Робот далачиларнинг сабзавотларни жўнатишни тезлаштиришларига ёрдам берди. Ленинград областидаги «Ручьи» совхозлар бирлашмасида роботга... карам юклашни ишониб топширдилар.

Хўжаликда бўлган ТАСС мухбири Ю. Воробьевский ҳикоя қилади: охирига етказиб ишлаш участкасига ҳозиргина олиб келинган тоғ-тоғ карам бир зумда ғойиб бўлмоқда. Лентали транспортер орқали карам тўпланувчи бункерга юборилмоқда. Электрон юк ортувчи «қўллари» — чўмичлари билан карамни контейнерларга авайлаб жойламоқда. У аниқ ва эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмоқда.

— Ҳар бир киши ҳам шундай аниқ-пухта ишлайвермайди, — дейди бирлашма бош директорининг ўринбосари В. Демкин. — Ленинград политехника институти техника кибернетикаси конструкторлик бюросида яратилган робот 8 ишчининг меҳнатини қилади ва бир сменада эллик тоннагача карамни юклай олади.

ФУТБОЛ

КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ

Мамлакат биринчилигининг олий лига командалари ўртасидаги 30 тур мусобақаларидан сўнг ана шу саволга жавоб ойдинлашгандек бўлди. Чемпионликка даъвогарлик қилаётган Киев динамочилари ўз майдонида Москванинг «Спартак» клуби билан учрашдилар. Ғоят кескин спорт кураши остида ўтган бу ўйинда динамочилар 2:0 ҳисобида ғолиб келишди. 30 учрашувдан сўнг 46 очко тўпланган Украина пойтахти футболчилари ягона пешқадам бўлиб олишди. Иккинчи ўринда келаётган «Спартак» командаси билан очколар фарқи бештага етди.

Биринчиликнинг бронза медалини қўлга киритиш учун курашаётган Ленинграднинг «Зенит» командаси Тбилиси динамочиларини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Қолган учрашувлар қуйидаги натижа билан тугади: «Шахтёр» — СКА — 5:1, «Қайрат» — «Динамо» (Москва) — 0:1, «Торпедо» — «Пахтакор» — 1:0, «Нефтчи» — ЦСКА — 1:0, «Черноморец» — «Локомотив» 1:0, «Карпати» — «Кузбасс» — 2:1.

ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН

«Умумий овқатланиш» Қўқон трестида «яшил цех» фойдаланишга топширилди. Умумий майдони бир гектар бўлган бу типовой теплицани трест ходимлари ўз кучлари билан қурдилар. Шу кунларда ойна остидаги полизда дастлабки ҳосил етишмоқда. «Яшил цех»нинг бутун маҳсулоти ҳар йили шаҳардаги мактаблар ва заводларнинг ошхоналарига етказиб берилади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

2 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Будильник. 10.20 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.20 — Здоровье. 12.05 — Тонгги почта 12.35 — Қишлоқ янгиликлари. 13.35 — Музикали киоск. 14.05. — Катта ўзгариш. Бадиий фильм. 4-серия. 15.10 —Ҳужжатли фильм. 15.45— Киносаёҳатчилар клуби. 16.45 —Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — Спартак. 18.20 — Концерт. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Мультфильмлар. 19.40 — Фильм-концерт. 20.30 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 20.45 — Айиқ. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 22.55 — Футбол шарҳи. 23.25 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати. 00.05 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 —Концерт. 11.10 — Шахмат мактаби. 11.40 — Болалар учун фильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Ўзбекистон спорти. 13.30 — Сиҳат-саломатлик. 14.00 — Олий лига командалари ўртасида баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Университет» (Тошкент) — «Локомотив» (Новосибирск). 14.30 — Реклама. 18.20 — Мультфильм. 18.55 — Концерт. 19.30— Ахборот. 19.45 — Цирк, Цирк, Цирк. 20.30 — Ахборот 20.50 — Концерт. 21.30 —Время 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Саксонинчи йил қўшиқлари.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

3 НОЯБРЬ ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Темир эшик сири. Бадиий фильм. 11.30 — Скрипка миниатюралари. 11.45 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 —Олга, болакайлар! 16.50 —Онамларнинг мактаби. 17.20 — Концерт 18.10 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.05 — Фильм-концерт. 19.45 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 20.15 — Сўна. Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.15 — Ҳужжатли экран. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — «Дон Кихот» балетидан саҳналар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Болалар учун фильм. 11.55 — Бахтли болалик. 12.25 — Ҳужжатли фильм. 12.45 — Дубравка. Бадиий фильм. 18.20 — Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.30 — Жонажон ўлка. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ноз-неъмат бунёдкори. 20.05 — Шеърият дафтаридан. Шукрулло. 20.30 — Ахборот. 20.50 — М. Горький номли Фарғона музикали драма ва комедия театри солистларининг концерти. 21.30 — Время. 22.15 — Инқилоб чавандозлари. Бадиий фильм. 23.50 — Бугун оламда нима гап?

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Болалар учун фильм. 21.00 — Ўқитувчи экрани. 21.30 — Олий математика. 22.30 — Майсаранинг иши. Телеспектакль.

РАДИО

2 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 8.30 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 9.15 — Табассум. 10.15 — С добрим утром! 11.30 — Т. Алиматов чалади. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвадорлар байрамолди меҳнат вахтасида. 13.30 — Б. Зокиров, М. Шамаева концерти. 14.00 — Салобатли хирмон. 15.40 —Театр микрофон олдида. 18.15— Спорт программаси. 19.25 — Эстрада қўшиқлари. 20.15 — Классик оҳанглар. 21.15 —Табассум. 22.30 — Ўзбек авторларининг қўшиқлари. 23.15 — Дам олиш концерти.

3 НОЯБРЬ ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Съезддан-съездгача. 9.35— Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. Ў. Усмонов «Ғоллиблар». 12.10 — Ўзбекистан индустриальнай. 13.00 — Илгор тажриба мактаблари маршрути бўйлаб. 14.00 — Ватанга кўплаб пахта етказиб берайлик. 18.15 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 18.25 — Ёшлик. 19.25 — Чолғу куйлари. 21.00 — Фан уфқлари. 21.10 — Багрицкий ҳақида сўз. 21.30 — Пахтакорлар учун концерт. 22.30 — Лирик оҳанглар. 23.20 — Тинглаб дам оламиз.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-53-28; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02344. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 253. 1